



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV SUDI



Empowered lives.  
Resilient nations.

# САЙЁР СУД МАЖЛИСИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР



Тошкент 2019





**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV SUDI



UN  
DP  
Empowered lives.  
Resilient nations.

# САЙЁР СУД МАЖЛИСИ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР

**МУАЛЛИФ:**  
**Маъруфжон Тожибоев**

**НАШР КООРДИНАТОРИ:**  
**Раъно Исмаилова**

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик”  
лойиҳаси таск менеджери

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастирининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**.

Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастирининг расмий нуқтаи назарини акс эттирамайди. Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [www.sud.uz](http://www.sud.uz) ва БМТ Тараққиёт Дастирининг [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org) интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,  
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.  
Телефон: (+998 71) 239-02-67

© БМТ Тараққиёт Дастири, 2019.

© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), 2019.

© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2019

## МУНДАРИЖА

|         | Кириш   | 6  |
|---------|---|----|
| I-БОБ   | Судларда 2015-2018 йилларда ишларни сайёр суд мажлисларида кўрилганлик ҳолати таҳдили   | 9  |
| II-БОБ  | Суд ишларини кўришда сайёр суд мажлисларини ташкил этишда ва ўтказишида судьялар дуч келаётган муаммоларни аниқлаш учун суд амалиётини таҳдил этиш  | 37 |
| III-БОБ | Сайёр суд мажлисларини ўтказишни тартибга солувчи қонунчилик ва норматив-хукуқий хужжатларни тахлил қилиб, қонулар ва қонун ости хужжатларидаги камчилик ва бўшлиқларни аниқлаш                   | 53 |
| IV-БОБ  | Ушбу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича Тавсиялар ҳамда сайёр суд мажлисларини ўтказишнинг мавжуд механизмидаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш | 67 |
| V-БОБ   | Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун хужжатларига ва бошқа нарматив-хукуқий хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун ва қонун ости хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш         | 83 |



## КИРИШ

Мамлакатимизда охирги икки ярим йил мобайнида барча соҳалар қатори суд-хукуқ соҳасида кескин ижобий ўзгаришлар рўй берди, мазкур ислоҳатларнинг олий мақсади – суд тизимини босқичма-босқич демократлаштириш, инсон хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қиласидиган суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигига эришидир.

Шунингдек, судьялар томонидан низоларни қонуний, асосли ва адолатли ҳал этишлари учун уларнинг ижтимоий ва иқтисодий шароитларини яхшилаш, амалда қўлланилаётган қонун хужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Иқтисодий процессуал кодекслари янги таҳрирда ҳамда янги Маъмурий ишларни юритиш тўғрисидаги кодексларининг қабул қилиниши суд соҳасидасудлартомонидан юритилиб келаётган жараёнларни давр ва ҳалқаро хукуқ нормаларига мувофиқлигини таъминламоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор Фармон ва Қарорларининг қабул қилиниши суд судьялари ва ходимларининг ижтимоий ва иқтисодий шароитларини яхшилаш, уларга қўшимча имтиёзлар бериш, судьялик ваколат муддатлариниузайтириш, судьялик лавозимларига тайинлаш ва сайлаш тизимини тубдан такомиллаштирди.

Судьялар томонидан ишларни кўришнинг очиқлиги, шаффофлигини таъминлаш, қабул қилинаётган қарорларининг қонуний ва адолатли бўлишига эришиш ҳамда мазкур ишларни амалга оширишда кенг аҳоли вакилларини жалб этиш орқали, одил судловга бўлган ишончни мустаҳкамлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Айниқса, судлар томонидан ишларни кенг аҳоли ва корхоналар вакиллари иштироқида кўрилиши аҳолини



хуқуқий маданияти ва онгини оширишга хизмат қилаётган бўлса, ўз навбатида ишларни суд биносидан ташқарида ташкил этилишининг ноқулай тарафлари ҳам борлигини ҳам кўриш мумкин.

Мазкур амалга оширилган изланишлар судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва кўришнинг афзалликлари, шунингдек сайёр суд мажлисини ташкил этишдаги муаммоларга қаратилган.



# I-БОБ

СУДЬЯЛАРИ ТОМОНИДАН  
2015-2018 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА  
ҮТКАЗИЛГАН САЙЁР СУД  
МАЖЛИСЛАРИ ТАҲЛИЛИ







## 1.1. Судларда ишларни сайёр суд мажлислирида кўрилиши таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошقا жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг талабларига кўра, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши, ишлар тааллуқлилигига кўра, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, иқтисодий ва маъмурий судлар ҳамда ҳарбий судлар томонидан кўрилиши белгилаб қўйилган.





Ўзбекистон Республикасида:

Фуқаролик ишлар бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлараро ва туман судлари;

Жиноят ишлари бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳар судлари;

Иқтисодий – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлараро ва туман судлари;

Маъмурий – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳар судлари;

Ҳарбий – Республика ва вилоятлараро судлари фаолият юритиб келишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисидаги” қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида судлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон хуқуқлари тўғрисидаги халқаро хужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган<sup>2</sup>, бўлиб барча судларда ишлар очиқ суд мажлисида кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда кўриб чиқишига фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйилади.

Судлар томонидан очиқ суд мажлислари асосан судларнинг биноларида маҳсус ажратилган хоналарда – суд мажлис залларида кўрилади.

Суд мажлис залида мебелларни, жиҳозлар ҳамда техник воситаларнинг етарли даражада мавжудлиги судьянинг кўрилаётган иш юзасидан иштироқчиларини тўлиқ жалб этишида ҳамда суд процессини тўғри олиб борилишга катта таъсирини кўрсатади. Бундан ташқари, судьянинг холислигини, ташқаридан бирон-бир шахсни аралашувидан сақланиши учун суд мажлис залида алоҳида маслаҳатхонанинг бўлишлиги ҳам аҳамиятга эгадир.



Мебеллар – бу судьянинг иш столи ва стули, суд мажлиси баённомасини юритиш учун суд мажлиси котибининг стол-стули, суд мажлисида иштирок этувчи прокурор ва адвокатлар учун стол-стул, даъвогар ва жавобгар, шунингдек, низони ҳал этиш учун кўмаклашувчи шахслар – эксперталар, мутахассислар, таржимон, айрим давлат органларининг вакиллари, жамоат органларининг вакиллари, гувоҳлар, шунингдек суд мажлиси очиқ ўтказилиши муносабати билан жамоатчилик ва аҳоли вакилларининг ўтиришлари учун стулларнинг бўлишлиги; Жиҳозлардан - суд мажлисини баённомасини тузиш учун компьютер жамламаси, ёритиш, иситиш мосламаларини ишлаши кабилар. Мана шундай шароитларга эга бўлган суд мажлис залларида ҳақиқий суд мажлисли ўтказилишига эътиборингизни қаратдик. Бундай талабларга эга бўлган суд мажлис хоналари сайёр суд мажлислини ўтказилишда мавжудми?

Агар суд мажлисининг янада шаффоғлигини ва очиқлигини таъминлаш учун жамоатчилик меҳнат қилиб келаётган корхона биноларида ёки аҳоли яшаш жойларидаги маҳалла фуқаролар йигинлари, Ҳалқ қабулхоналари ва бошқа турдаги биноларда ўтказилаётган суд мажлислирида юқорида қайд этилган жиҳозланган бинони бўлишлигини таъминлашга доим ҳам эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тузилган умумлаштиришга кўра, судлар томонидан 2016-2018 йиллар давомида суд биносидаги мавжуд мажлис залидан ташқарида ўтказилган суд муҳокамалари бўйича тузилган жадвалга эътибор қаратсак:



| Судлар  | 2016 йил                          |  | 2017 йил                          |  | 2018 йил                          |  | 2019 й. 9 ойн Агар<br>куйидаги жадвалга<br>эътибор берадиган |  |
|---|-----------------------------------|--|-----------------------------------|--|-----------------------------------|--|--|--|
|   | Сайёр суд<br>мажлис-<br>лари сони | Жами<br>күрилган<br>ишга<br>нисбатан<br>фоизда | Сайёр суд<br>мажлис-<br>лари сони | Жами<br>күрилган<br>ишга<br>нисбатан<br>фоизда | Сайёр суд<br>мажлис-<br>лари сони | Жами<br>күрилган<br>ишга<br>нисбатан<br>фоизда | Сайёр суд<br>мажлис-<br>лари сони                            | Жами<br>күрилган<br>ишга<br>нисбатан<br>фоизда |
| <b>Фукаролик<br/>ишлари<br/>бүйича<br/>судлар</b> | 7 769                             | 2,8 %  | 56 165                            | 19,5%  | 80 113                            | 36,9%  | 52 696   | 37,9 %   |
| <b>Жиноят<br/>ишлари<br/>бүйича<br/>судлар</b>    | 3 810                             | 6,2 %  | 16 882                            | 28,5 %   | 17 679                            | 46,1 %   | 6 677  | 47,8 %   |
| <b>Иктисолий<br/>судлар</b>                       | 175 101                           | 52%  | 203 124                           | 58,4%  | 264 087                           | 65,5%  | 89 807   | 68,0 %   |
| <b>Мальмурый<br/>судлар</b>                       | —                                 | —  | 103 180                           | 35%  | 215 788                           | 56,2%  | 170 980  | 57,2 %   |



Жадвалдаги рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2016 йилда жами кўрилган ишларнинг фуқаролик ишлар бўйича судлар атиги 2,8 фоизи, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 6,2 фоизи, иқтисодий судларда эса 52 фоизи суд биносидаги залдан ташқарида, яъни сайёр суд мажлисларида кўрилган.

2017 йилга келиб эса, барча судларда сайёр суд мажлисларининг ўсиши кўзга ташланади, фуқаролик ишлари бўйича судларда

19,5 фоизни, жиноят ишлар бўйича судларда 28,5 фоизни, иқтисодий судларда эса 58,4 фоизни ва янги ташкил этилган маъмурий судларда эса 35 фоизни ташкил этган.

Агар, 2018 йилни таҳлилида эса, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларда 36-46 фоизни ташкил этса, маъмурий судлар 56,2 фоиз ишларни, иқтисодий ишлар бўйича судларда эса 65 фоиздан кўпроқ ишларни сайёр суд мажлисларида кўрилганлигини кўришимиз мумкин.

Ўз-ўзидан табиий савол туғилади, нега судларда кўрилаётган ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш фоизи бир-бири билан кескин фарқ қиласди, нега иқтисодий судлар деярли ишларни 60 фоизини сайёр суд мажлисларида кўрилса-ю, фуқаролик ишлари бўйича судлари уларнинг фақат ярмини, 36 фоизини сайёр суд мажлисларида кўришган?

Мазкур саволга жавоб ториш учун албатта биринчи галда қайси суд қандай низоларни суд мажлисларида муҳокама қилишларини билишимиз зарур бўлади, чунки судларни судловига тегишли бўлган ишларнинг суд муҳокамасига тайинлашдаги ҳаракатнинг қанчалик енгил-оғир бўлишлиги, даъво талабларининг мазмуни ҳамда қолаверса тарафларнинг ҳукуқий саводхонлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Дастлаб, иқтисодий судлар қандай тоифадаги ишларни кўриб келаётганликлари ва сайёр суд мажлисларида кўрган 65 фоиздан ортиқ ишлари қандай тоифадаги низолар эканлигига эътиборни қаратсак.



Иқтисодий судлар - иқтисодиёт соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш<sup>3</sup>га қаратилган суд ишларини кўришади. Яъни, иқтисодий судларида кўриладиган низоларнинг тарафлари юридик шахслар ёки тадбиркорлар (корпоратив низолардан ташқари) бўлишади. Низодаги тарафларни суд мажлисига жалб этишда деярли ноқулайликлар бўлмайди, чунки юридик шахснинг вакилларининг аксарияти олий маълумотли юрист бўлиб, юристларни суд мажлисига жалб этишда муаммо деярли йўқ. Қолаверса, юридик шахс вакиллари билан боғланиш бўйича алоқа тармоқлари аниқ берилган бўлади.

Иқтисодий судларнинг сайёр суд мажлисларида энг кўп кўрилган ишларга эътиборни қаратадиган бўлсақ, булар асосан буғдой ёки пахта режаларини бажараолмай қолган фермерлар ёки дехқон хўжаликларининг ёқилғи, кимёвий ўғит ва бошқа шартномалар асосида етказиб берилган маҳсулотларни ёки кўрсатилган хизматларини, шунингдек газ ва электр энергияси билан таъминлаган корхоналарни ҳақларини тўламаганликлари учун қарздорликни ундириш ишлари эканлигни кузатиш мумкин.

Маъмурий суд - маъмурий органлар билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг (бундан бўён матнда юридик шахслар деб юритилади) ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш<sup>4</sup>;

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини таъминлаш, шунингдек маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари

---

3 Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси  
2-моддаси

4 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ишларни юритиши кодекси  
2-модда



ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш<sup>5</sup> вазифаларини амалга оширади.

Маъмурий судларда кўрилаётган маъмурий ишларнинг ҳам деярли барчасида тарафларнинг бири юридик шахс (давлат органи) бўлиб, мазкур суд мажлисларини сайёр ташкил этилишида иқтисодий судлар каби муаммолар деярли вужудга келмайди.

Жиноят ишлар бўйича судлар - жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва хукм қилинмаслиги учун айбордларни фош этишдан иборат<sup>6</sup> вазифаларни амалга оширишади. Жиноят ишлари бўйича судлар сайёр суд мажлисларини ташкил этишда фақат жавобгарликда гумон қилинувчининг ушлаб туриш учун маҳсус хонанинг мавжуд эмаслиги ноқулайлик келтириши мумкин. Бошқа ҳолатларда эса, судда кўрилаётган гумонланувчини ички ишлар бўлимлари орқали қаерга деса ўша ерга етказиб боришида муаммолар келиб чиқмайди. Қолаверса, жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилаётган ишлар сони бир мунча кам бўлиб, жами ишларни 30 фоизини сайёр суд маждисларида кўриш ноқулайликлар келтириб чиқармайди.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 36 фоизга яқин кўрилган низоли ишлар сайёр суд мажлисларида кўрилган. Агар фуқаролик ишлар бўйича судларнинг қандай ишларни кўриб ҳал этишларига эътиборни қаратадиган бўлсак, улар - фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий хуқуқларини, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг хуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) хуқуқлари ҳамда қонун билан

---

5 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 2-моддаси

6 Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 2-моддаси



қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш<sup>7</sup>га қаратилган. Яъни, фуқаролик ишининг тарафлари ёки тарафлардан бири албатта жисмоний шахс хисобланади. Бундан кўриниб турибдики, фуқаролар ўртасида вужудга келган низоларни суд муҳокамасига тайёрлаш жараёни бир мунча ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки, низодаги тарафнинг ҳар иккала тарафи жисмоний шахслар, айримларда эса тарафлар бир неча шахслардан иборат бўлади, бири келса, бири суд мажлисига келмайди. Бундан ташқари, мазкур судлар бир нечта туман аҳолисига ҳизмат кўрсатиши ҳам қатор ноқулайликларни келтириб чиқаради. Мазкур камчиликлар ва ноқулайликлар ҳақида келгуси бандларда батафсил тўхталиб ўтамиз. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, айрим судларда ишларни сайёр суд мажлисларини кўришда катта ноқулайликлар туғдирмаса, айримларида жуда ноқулайликларни келтириб чиқариши мумкин экан.

Судларнинг Кодексларда белгиланган вазифаларидан ҳамда ишларнинг тоифасидан келиб чиқиб, ишларни сайёр суд муҳокамасига кўрилишида:

- » Судлардаги иш ҳажмини қўп эмаслиги сайёр суд мажлисида кўрилган ишлар фоизига ижобий таъсири;
- » Ишларни ташкил этишни қулайлиги, яъни тарафларнинг юридик шахслардан иборатлиги;
- » Суд идорасининг юрисдикциясининг (хизмат кўрсатишини) бир туманда жойлашганлиги;
- » Бир вақтнинг ўзида ишни қолдирмасдан ҳал этиш имконининг мавжудлиги катта роль ўйнашини кузатиш мумкин.

Сайёр суд мажлисида иштирок этувчи ва қўмаклашувчи шахсларнинг сонига эътибор берадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича суд мажлисларида энг қўп мутахассисларни жалб этилиши, жиноят ишлари бўйича суд мажлисларида



гувоҳ ва фуқаровий даъвогарларнинг кўп миқдорда жалб этилишини кузатиш мумкин, айнан мазкур ҳолатлар ҳам ишларни сайёр суд мажлислирида кўрилишида анча нокулайликларни вужудга келтиради.

Аксинча, Иқтисодий судларда асосан низолар шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганликдан келиб чиққанлиги сабабли фақат тарафлар иштирок этишса, Маъмурий судларда эса бир тараф мансабдор шахс бўлиб, низони ҳал этилиши учун бошқа шахсларни жалб этиш шарт эмас.

*Мисол келтирадиган бўлсак: Иқтисодий суди даъвогар туман ёқилғи етказиб бериш корхонасининг 37 нафар фермер хўжаликларига нисбатан етказиб берилган ёқилғининг ҳақини ундириб бериш ҳақидаги даъвосини битта корхона биносида 37 та фермер хўжаликлар вакилларини жалб этган ҳолда бир сайёр суд мажлиси давомида кўриб яқунлаши мумкин. Ишда тарафлар ўртасида шартноманинг мавжудлиги, маҳсулотни жавобгарлар қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи хўжжатларни мавжудлиги деярли етарли хўжжат ҳисобланади.*

*Энди фуқаролик ишлари бўйича судга 7 нафар даъвогарни 6 нафар жавобгарларга нисбатан меросни бўлиб бериш билан боғлиқ ишини сайёр суд мажлисида ўтказилиши учун 13 нафар тарафнинг, нотариал идорасининг, ҳокимият вакилининг, МФЙ вакили, агар лозим бўлса экспертни, кадастр ходимини ва бошқа шахсларни суд мажлисида тушунтиришини олиш учун камида 3-4 маротаба суд мажлисини ўтказишини талаб этади. Жами ўтказилган суд мажлислари фақат битта иш сайёр суд мажлисида кўрилганлигини англатади.*

Ишларни сайёр суд мажлисида низодаги тарафлардан ташқари қатнашиши мумкин бўлган шахслар кимлар?



Жамоатчилик ва  
аҳоли вакиллари

Прокурор ва судга  
қўмаклашувчи  
шахслар

Оммавий ахборот  
воситалари

Мазкур расмдан ҳам кўриш мумкин-ки, ишларни сайёр суд мажлислидан кўрилишидан асосий мақсад кенг жамоатчилик ва аҳоли вакилларининг иштирок этиши ҳамда оммавий ахборот воситаларини фаол иштироки талаб этилади.

## 1.2. “Сайёр суд мажлиси” тушунчаси

Сайёр суд мажлисини ўтказиш атамасига амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатлардан таъриф берилмаган. Ҳозирги амалиётдан ўтказилаётган сайёр суд мажлислирга умумий ҳолда тариф берадиган бўлсак:

*Сайёр суд мажлиси - бу суд муҳокамасига тайинланган ишларни суднинг ўз биносидан тақарида, хусусан жамоатчилик ёки аҳоли қўп яшайдиган жойларда, жамоатчилик ва аҳоли вакилларининг фаол иштирокида ўтказиладиган очиқ суд мажлиси ҳисобланади.*

### Суд мажлиси

Суднинг ўз биносида

Жиҳозланган хонада

### Сайёр суд мажлиси

Бошқа бинода

Жиҳозланмаган ва суж мажлисини ўтказиш имконияти етарли бўлмаган хонада



## Суд мажлиси

Маслаҳатхонанинг  
мавжудлиги

Тарафларни манзилни  
аниқ билишлари

Ёпиқ суд мажлиси  
ўтказиш мумкинлиги

## Сайёр суд мажлиси

Маслаҳатхона мавжуд эмас

Тарафлар манзилни аниқ билишмайди

Фақат очиқ суд мажлислари ўтказилиши  
белгиланганлиги

Шуни ҳам, алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий суд раҳбарияти ва республикамиз олимлари ўртасида **ишларни сайёр суд мажлисларида қўриш ва ўтказиш тушунчаси**, қаерда ва қандай бинода ўтказилган суд муҳокамаси сайёр суд мажлиси ҳисобланиши бўйича турли қарашлар мавжуд.

Айрим хуқуқшунос Олимлар **сайёр суд мажлиси** - судья ўтказаётган процесснинг шаффоғлигини кўрсатадиган ва қарорларини кенг ҳалқ оммасига етказадиган жараён эканлиги, сайёр суд мажлиси - судьянинг кўрилаётган ишларни ўзи фаолият кўрсатиб келаётган суд биносида жойлашган суд мажлислар залидан ташқарида (ҳаттоқи, суд биносида жойлашган ховлида) ёки бошқа суд биносида ўтказган суд процесси эканлигни таъкидлайдилар.

Узоқ муддатдан бўён суд соҳасида фаолият юритиб келаётган судьяларининг фикрига кўра, **сайёр суд мажлиси** – бу судья томонидан кўрилаётган низони суд биносидаги залдан, шунингдек бошқа суд биноларидағи суд мажлис залидан ташқарида ўтказиладиган процессуал ҳаракат – суд мажлисини ўтказиш ҳисобланишини таъкидлайдилар.

Айрим хорижий давлат олимларининг фикрларича эса – сайёр суд мажлиси деб, судья жойлашган суд биносидаги суд мажлисини ўтказиш учун маҳсус жиҳозланган залдан ташқарида ўтказиладиган ҳар қандай суд мажлисига сайёр суд мажлиси деб юритилишини таъкидлайдилар.

Юқорида келтирилган учта фикрнинг умумий томони битта - яъни сайёр суд мажлислари суд биносидаги суд мажлис залидан ташқарида ўтказиладиган суд мажлислари,



иккинчи яна бир томони сайёр суд мажлислари албатта очиқ ўтказилиши, ёпиқ суд мажлисларини сайёр суд мажлисларида ўтказилиши мақсадга мувофиқ әмаслиги ва охиргиси сайёр суд мажлисларида кенг жамоатчилик ва ОАВ вакилларининг иштрокида ўтказилиши билан аҳамиятлидир.

Келгуси боблардаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришвақўшимчалар киритиша юзасидан тайёрланадиган таклифларга албатта “сайёр суд мажлиси” тушунчаси, шунингдек ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва уни сайёр суд мажлисларини ўтказиш тартиб - қоидаларини белгилайдиган нормаларни киритиш юзасидан таклифлар тайёрланиши режалаштирилган.

### **1.3. Сайёр суд мажлиси ўтказилган жойлар таҳлили**

Аввалги бўлимда сайёр суд мажлисини суд биносидан ташқарида ўтказиладиган суд мажлиси эканлиги ҳақида фикр юритгандик. Шу билан бирга судлар томонидан ишларни шаффоф ва тўлақон тарзда ўтказилиши, тарафларнинг тортишувчалигини таъминлаш, тарафларнинг келтирган важларини исботлашлари учун имкониятлари яратиш мақсадида эксперт, мутахассис ва бошқа ишга кўмаклашувчи шахсларни жалб этилиши учун албатта суд мажлис залларида мебел ва жиҳозларининг бўлишилиги катта аҳамиятга эга эканлигига тўхталган эдик.

Мазкур бўлимда судлар томонидан сайёр суд мажлислари қандай биноларда ўтказилганлиги ҳамда суд мажлисларини юқорида қайд этилган талабга жавоб бериш ёки бермаслигини таҳлил этсак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд томонидан 2017 йилда судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлисларида ўтказилган корхона ва ташкилотлари ҳақидаги умумлаштирилган.



## 2017 йилда судлар томонидан сайёр суд мажлислари ўтказилган жойлар



**Жами қўрилган  
ишлар сони –  
379 351 та**

Мазкур диаграммадан кўриниб турибдики, 2017 йилда республика судлари томонидан 1 млн.дан кўпроқ қўрилган ишларнинг 379.351 таси сайёр суд мажлисларида қўрилган. Бу албатта катта ва салмоқли иш, яъни 379 мингдан ортиқ суд мажлиси ўтказиш учун мослаштирилмаган бино ва хоналарида суд мажлисларини ўтказилганлигини билдиради.

Ана энди, сайёр суд мажлислари ўтказилган корхона ва жойларга тўхталсак, хусусан жами қўрилган сайёр суд мажлисларнинг 63 фоизи корхона ва ташкилотларнинг биноларига тўғри келган. Нима учун айнан корхона ва ташкилотлар биноларида сайёр суд мажлислари кўп ўтказилган? Ва улар қайси тоифадаги ишларни ташкил этади? Мазкур корхоналарда сайёр суд мажлисини ўтказилиши учун шароитлар етарлими? Албатта, ҳеч кимга сир эмаски, барча корхона ва ташкилотларда ҳам сайёр суд мажлиси ўтказилиши учун етарли жиҳозлар билан таъминланган хоналари мавжуд эмас, лекин айрим худудларда ўтказилган мажлисларга қараганда шароит яхшироқ десак бўлади.

Аввалги бўлимдаги таҳлилда, сайёр суд мажлислари иқтисодий ва маъмурий суд судьялари юқори кўрсатгичга эришганликларини айтгандик. Бунга асосий омиллар:

- » судларда кўрилаётган низо тарафлари юридик шахслар ёки тадбиркорлардан иборатлиги;



- » тарафларнинг вакиллари асосан олий маълумотли юристлар эканлиги;
- » судларга бир вақтда ўнлаб даъволар (50-60 та даъволар) биттадаъвогартомонидан киритилиши;
- » даъво талабларининг бир хил мазмундалиги;
- » даъво талабларининг бир қанча жавобгарларга нисбатан берилганлиги;
- » барча талабларни бир вақтида ва бир бинода ўтказиш имконияти мавжудлиги;

Шунингдек, корхона ва ташкилотларда кўп кўрилганлигига яна қуидаги шароитларни мавжудлигини ҳам келтиришимиз мумкин:

- » Корхона ва ташкилотларнинг ҳамда фермер хўжаликларининг коммунал ва бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотларнинг кўрсатган хизмат ҳақлари учун (газ, электр энергияси манбаларини истеъмол ҳақлар, фермер хўжаликларининг режани бажармаганлиги асосида кимё ўғитлари ва ёқилғи маҳсулотлари ҳақларини юзасидан вужудга низолар) қарздорликни ундириш ишлари кўп келиб тушганлиги ва ишлар мазкур жавобгарларнинг биноларида кўрилганлиги (асосан иқтисодий судлар);
- » Корхона ва ташкилотлар биносида сайёр суд мажлисими ўтказиш учун шароитларининг (хона, мебел, электр энергияси ва бошқалар) мавжудлиги;
- » Корхона ва ташкилотлар биноларининг хоналарида иситиш ва совутиш тизимининг мавжудлиги;
- » Корхона ва ташкилотлар бинолари олдида кўриқлаш бўлимининг мавжудлиги келтиришимиз мумкин.

Ҳокимият ва МФЙ биноларида ўтказилган сайёр суд мажлислари 28,1 фоизни ташкил этган. Бу ўтказилган сайёр суд мажлислари асосан фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларга тўғри келади. Чунки, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг сайёр суд мажлисларини ўтказиш жойлари асосан



МФЙ бинолари ҳамда Ҳалқ қабулхоналарининг биноларини ташкил этади. Худуди шунингдек, жиноят ишлари бўйича ва маъмурий суд ишларнинг ҳам аксариятлари ҳам айнан ҳокимият ва МФЙ биноларига тўғри келган. Мазкур сайёр суд мажлислари асосан аҳолининг асосий қисми ишдан қайтгандан кейин ёки обеддан кейинги вақтларда ўтказиб келинган.

Ўқув муассасаларда ўтказилган 8,8 фоиз сайёр суд мажлислари ҳам асосан фуқаролик ва жиноят ишлар бўйича ҳамда маъмурий суд ишларига тўғри келади. Мазкур ишларнинг аксарияти ёшлар билан боғлиқ вужудга келган низоларга тўғри келади.

Жазони ўташ муассасаларида ўтказилган 0,1 фоиз сайёр суд мажлислари асосан жиноят ишлари бўйича судлар томонидан ўтказилган бўлиб, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, мазкур ишлар апелляция ёки кассация тартибда кўрилган бўлиб, жавобгарликка тортилган шахсларни айборлигини мұҳокама қилиш билан боғлиқ бўлган.

Диаграммада кўрсатилгандан ташқари айрим сайёр суд мажлислари далаларда, дам олиб оромгоҳларида, ҳовлиларда ҳам ўтказилган ҳолатларини кузатиш мумкин. Мазкур суд мажлислари сайёр ўтказилсада, аксарият ҳолатларда очиқ майдонларда маслаҳатхонанинг йўқлиги сабабли маслаҳатда қолиш имкони бўлмаганлиги учун суднинг қарорлари суд биносидаги суд мажлис залларида ўқиб эшилтирилган.

### **Мисол учун**

*1. Иқтисодий судига келиб тушган туман кимёвий ўғит етказиб бериш корхонасининг 20 та фермер ҳўжалигига нисбатан етказиб берилган маҳсулот ҳақларини уддириб бериш даъвоси “Шодлик” фермер ҳўжалигининг дала майдонига стол қўйилган ҳолда ўтказилган ва судья маслаҳатхонага кирганлигини эълон қилиб, ҳал қилув қарорини эртасига суд биносида ўқиб эшилтирган.*

*2. Фуқаролик ишлар бўйича суди А исмли шахс ва бошқаларни Бисмли ва бошқаларга нисбатан етказилган*



**моддий ва маънавий заараларни ундириши ҳақидаги даъво талабини “Алномиш” МФЙ тегишили бино ҳовлисига кўриб, маслаҳатхонага кирганлигини эълон қилган. Суд маслаҳатхонаси учун хонанинг йўқлиги, шунингдек ҳал қилув қарорини эълон қилинса, низодаги тарафлар ўртасига бетартибликлар - жсанжсал чиқилиши мумкинлигини, қўриқчиларнинг йўқлиги сабабли ҳал қилув қарори эртасига суд биносидаги суд мажлис залида эълон қилинган.**

Ууман судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлисига ўтказиш учун биноларни топишда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, аксарият ҳолларда корхона ва ташкилотларнинг ҳамда МФЙнинг маъмурий бинолари танлаб олинади.

Кўп ҳолларда бошқа туманлараро судининг суд мажлиси биноси сайёр суд мажлиси ўтказиладиган жой вазифасини бажаради. Вилоят судининг апелляция ва кассация инстанцияларида ишларни кўришда аксарияти ҳолларда туман ва шаҳар судларининг биноларида сайёр тартибда ўтказилади.

#### **1.4. Сайёр суд мажлисини оммалашиш даври**


Муқаддам ўтказилган сайёр суд мажлислари эса оммавий характерга эга бўлмасдан, ҳар бир судья иш юритувидаги низони мустақил равишда бошқа жойда кўришга тайинланган бўлиб, мазкур ишлар асосан тарафларнинг илтимослари ёки судга қатнашиши лозим бўлган шахсни суд мажлисига узрли сабабларга кўра келаолмаслиги сабабли тайинланган. Хусусан:

- » суд мажлисига келиш имкониятига эга бўлмаган тарафларни тушунтиришини олиш;
- » гувоҳларнинг кўрсатмасини олиш;
- » низоли объект ёки далилий ашёни кўздан кечириш;

- » шунингдек озодликдан маҳрум этилган шахсларни ҳибсхоналарга бориб уларни сўроқ қилиш мақсадида ўтказилган.

Бундай кўрилган ишлар ҳатто “сайёр суд мажлис” деб ҳам юритилмаган ва унга алоҳида эътибор қаратилмаган. Мазкур суд мажлислариiga камдан - кам ҳолатларда жамоатчилик ва аҳоли вакиллари жалб этилган ва аҳолини хуқуқий маданиятини оширишга қаратилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг республика судлари томонидан сайёр суд мажлисларини кўриши ҳолати умумлаштириш диаграммасига эътибор қаратсак:



Диаграммада кўриниб турибдики, Республика судлари томонидан ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш йилдан - йилга кўпайиб бормоқда.

Фақат, диаграммага эътибор қаратадиган бўлса, агар ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш сони 2017 йили ошган бўлса, мазкур ҳолат 2018 йилда камайганлигини кузатиш мумкин. Бунинг сабабларидан бири, жамоатчилик



ўртасида ҳукуқбузарликни олдини олиш бўйича амалга оширилаётган профилактика ишларининг оқибатида жиноятчиликнинг кескин камайганлиги натижасида жиноят ишлар бўйича судларнинг иш ҳажми, шунингдек аҳоли ва юридик шахслардан етказиб берилган газ ва электр энергиядан бўлган қарздорликларнинг кескин камайиши ҳисобланади.

Агар юқорида қайд этганимиздек, 2013 йилдан 2017 йилнинг ярмига қадар судлар томонидан ўз хоҳишлирага ҳамда тарафларнинг илтимосига кўра сайёр суд мажлислари ўтказилганлиги сабабли, сайёр суд мажлисларининг сони жами кўрилган ишларнинг 7-10 фоизидан, айrim судларда эса 1 фоиздан ҳам камлигини кўриш мумкин.

Ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш оммалашгунга қадар бўлган даврда айrim суд судьялари томонидан бирорта ишлари юзасидан сайёр суд мажлиси ўтказмаган судьяларни ҳам учратиш мумкин эди. Уларнинг фикри зикрида ишларни сайёр суд мажлисида кўриш ҳақида тушунча ҳам бўлмаганлиги ҳеч кимга сир эмас, чунки бу даврларда Олий суд томонидан бундай талаб қўйилмаган бўлган.

Мамлакатимизда амалга ошираётган кенг қамровли ислоҳотлар, хусусан “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” - деган тамоил асосида суд ҳокимияти вакилларини ҳам давр талабидан келиб чиқиб, ҳалқ билан бирга бўлишиликларини таъминлашга қаратилган кўрсатмалар қабул қилинди.

Табиий савол туғилиши мумкин, судлар шу кунгача ҳам ҳалққа хизмат қилиб келгандек, эди-ку? Ҳа, шу кунгача ҳам ҳалққа хизмат қилиб келган бўлсада, лекин судлар ҳалқдан бироз узоқлашгани рост. Чунки, фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий суд судьялари фақат судга тақдим этган даъво аризасида келтирган низони ҳал этиш, жиноий ишлар бўйича ва маъмурий суд судьялари эса тергов идоралари томонидан чиқарилган материаллар асосида айбланувчиларга қарор ва ҳукмларни ўқиб эшилтириш билан чекланганлар холос.



Республика суди судьялари томонидан ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва ўтказишларини ялпи оммалашган даври Республика суд корпус ходимлари - судьялар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 июндаги тарихий учрашувидан кейин бошланди.

Учрашувода Президент Ш.Мирзёев Республикамиз суд судьяларининг нуфузини кўтариш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончларини янада кучайтириш мақсадида судьяларнинг ҳалқ билан мулоқот қилиши зарурлиги, ҳалқимиз ҳалигача судларни жазоловчи, қораловчи идора деб тушунишларини, одил судловга ҳалқнинг ишончини ошириш учун эса судьялармиз ишларни фақат суд биносидаги мажлислар залида кўрмасдан, жамоатчилик вакиллари ишлаётган корхона, муассаса ва ташкилотлар биноларига, шунингдек аҳоли яшайдиган худудларига чиқиб, МФЙ ва бошқа биноларда сайёр суд мажлисларини ўтказиши бўйича таклиф киритди. Мазкур учрашувода айrim судьялар ўзларининг амалиётидаги низоларнинг сайёр суд мажлисида ўтказилганлиги ижобий натижалар берганлиги, низо юзасида тарафларнинг тинчлик йўли билан келишувларга эришганликлари ҳақида гапиришиб, Давлатимиз раҳбари томонидан келтирилган фикрлари барча судьялар томонидан кўллаб-куватланди.

Шундан кейин, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги РС-09-17-сонли қарори билан “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича Услубий тавсиялар” тасдиқланди. Мазкур тавсияларда суд судьялари томонидан сайёр суд мажлисларини ўтказиш тартиби ва сайёр суд мажлисларида кўрилиши мумкин бўлган ишлар рўйхати белгиланди. Шу билан бирга республика судьялари ўзлари кўриб келаётган ишларининг камида 30 фоизини маҳаллалар, иш жойлари ва таълим муассасаларига чиқиб, сайёр суд мажлисларида кўришлари белгилаб қўйилди.

Мазкур даврдан бошлаб, барча республика судьялар томонидан ҳар ойда жами иш юритувидаги ишларнинг 30



фоизини албатта сайёр суд мажлисида кўрилганлиги юзасида ҳисоботларни берилиши қатъий этиб белгиланди.

Мазкур талаб айрим судьялар томонидан осонгина бажарилган бўлса, айримларитомонидан анча ноқулайликлар келтириб чиқара бошлади.

*Хусусан, агар судьянинг иш юритувида 100 та фуқаролик ёки иқтисодий иш бўладиган бўлса, мазкур ишларнинг камида 30 тасини сайёр суд мажлисида кўрилиши шарт бўлиб қолди. Агар қайси судьянинг қўлида камроқ иш бўлса, унга енгил бўлади, чунки агар 10 тагина қўлида иши мавжуд бўлган судья, ишларини 3 тасини сайёр судда қўрса 30 фоизлик талабни бажарган ҳисобланади.*

Мазкур Раёсат қарори асосида судларга нафақат ишларини сайёр суд мажлисларида кўришлари масъулияти, улар сайёр суд мажлислариға тегишли худудда яшаётган аҳолини, агар корхона ва ташкилотлар биноларида ўтказиладиган бўлса, жамоатчилик вакилларининг очиқ суд мажлисида иштирок этишини таъминлаши белгиланди.

Суд судьяларидан фақат ўз иш юритувидаги низоларни тўғри, адолатли ва ўз вақтида кўришни таъминлаш билан бир қаторда кўрилаётган иши ва қабул қилаётган қарорларини шаффофлигини ва асослигини таъминлаш масъулият юкланди.

*Ишларни сайёр суд мажлисларида кўрилиши ва сайёр суд мажлислари доирасида ўтказилган тарғиботлар натижасида 2018 йил давомида жамоат бирлашмаларининг фаоллиги натижасида 1000 нафарга яқин низоли оиласларнинг бузилиб кетиши олди олинган. Натижада мазкур оиласларнинг ўртacha 2 000 нафарга яқин фарзандлари отасиз ёки онасиз улуғайшидан сақлаб қолинган Жамоат бирлашмаларининг кафилиги асосида 1000 нафарга яқин фуқаролари тергов ва суд жараёнларида жазодан озод қилинган ёки жавобгарликлари енгиллаштирилган.*



Мазкур натижаларга эришишга омил бўлган яна бир муҳим норматив-хужжатлардин бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони бўлди десак адашмаган бўламиз. Хусусан, Фармонда:

- » суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар хуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланиши;
- » суд ишларини **сайёр суд мажлисларида** кўриб чиқиш амалиётининг кенгайтирилганлиги аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш ва суд ҳокимиятининг очиқлигини ошириш йўлида кўрилган муҳим чоралардан бири бўлганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, мазкур Фармонда Республика суди судьялар томонидан минглаб ишлар ижобий ҳал этилиб, аҳолини хуқуқий маданиятини ошириш бўйича тарғибот ишлари амалга ошириб келинаётган бўлсада, лекин ҳали ҳануз судьялар ўзлари амалга ошириб келаётган ижобий ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг аҳоли эътиборига етказа ололмаётганлиги танқидга олиш билан бирга, келгусида судья ўзининг қабул қилган ҳал қилув қарорини эълон қилгандан сўнг суд мажлиси иштирокчиларига қарорининг мазмун-моҳиятини тушунтириши, хусусан низони қайси қонун ёки норматив-хуқуқий хужжатларга асосланган ҳолда ҳал этганлигини суд мажлисининг якунида тушунтириб бериш тартиби жорий қилинди.

*Мисол учун муқаддам, низоси судда қўрилиб қарори эълон қилинган фуқаролар судьянинг низо юзасидан нима учун шундай ҳолосага келганлигини фақат суд қарорини қўлига олгандан кейингина, шунда ҳам агар қарор талаб*



**даражасида асослантирилган бўлсагина тушуниб олиши, айрим ҳолларда эса суд ижрочиси қарорни ижро қилиш учун уйига келгандагина биларди.**

Судья қабул қилган қарорини суд мажлисида ёки сайёр суд мажлисида тушунтириб бериши институтининг жорий этилиши натижасида:

- » Суд мажлисида иштирок этаётган барча иштирокчиларни кўрилган низо юзасидан ҳуқуқий саводхонлигини кўтарилишига;
- » судларга келиб тушаётган шикоятларни камайишига сабаб бўлди, чунки, судьянинг келган хulosасини қайси қонун нормаси асосида келганлиги ҳақидаги суд иштирокчиларининг ҳабардорлигисудгамурожаатқилишқилмаслигини қаттиқ таъсир этади;
- » очиқ сайёр суд мажлисида иштирок этган жамоатчилик ва аҳоли вакилларининг низо ва судьянинг қўллаган қонунларида ҳабардор бўлишлигини таъминлайди;
- » Сайёр суд мажлисида қарорни ўқиб бериш ва уни тушунтириш юзасидан судьянинг масъулятини ошириди.

Ҳақиқатдан суд қарорига асосандаъвоталаби радэтилган тараф судьянинг шу хulosага келишига сабаб бўлган қонун нормалари билан танишгандан кейин “ўргатувчиларнинг” – “ёзинг, кейинги инстанция судида ютиб чиқасиз”, деган насиҳатларига рози-рози бўлмаслик юзасидан мулоҳаза қилди ва аксарият ҳолатларда тарафларнинг низо юзасидан ўзаро келишишлари ёки талаби қаноатлантирилган тарафни важини жавобгар тан олиш билан якунланишига олиб келади.

**Суд ишларини сайёр суд мажлисларида кўришга тайинлаш ва қўриш давр талаби, келажакда аҳолини ҳуқуқий саводхонлигини, онг ва маданиятининг юксалиши, “online” тизимининг ҳамда медиация институтининг ривожланиши**



## **ишиларини сайёр суд мажлисисида қўриш заруриятини кескин камайтириши табиий ҳолдир.**

Ишларни сайёр суд мажлисига тайинлаш судъянинг қўрилаётган низони суд муҳокамасига тайёрлашдаги масъулиятини икки карра оширади, чунки судъянинг суд процессини қандай олиб бораётганлиги, муомила маданияти, кийиниши, одоби, низо бўйича амалдаги қонунчиликнинг тўғри қўллаётганлиги, далилларни тўғри талаб қилиб олаётганли, гувоҳларнинг кўрсатмаларига берилаётган баҳо, умуман суд жараёнинг барча ҳолатлари ишда қатнашаётган кенг жамоатчилик қўз олдида шафоф амалга оширилади. Судъянинг шу ҳаракатларини тўғри ва қонунларга қатъий амал қилган ҳолда бажариши фуқароларнинг судҳокимиятига бўлган ишончини ошироқда. Агар судъя иш жараёнида қўпол, маданиятсиз, қонун нормаларини менсимасдан ҳал этадиган бўлса, бу суд ҳокимиятининг нуфузини пасайишига сабаб бўлади.

Ишларни сайёр суд мажлислирида кўрилишида, “Нуроний” жамғармаси, Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмиталарининг вакилларининг иштироки ва уларнинг айrim фуқароларни билиб-билмай, тасодифан содир этган жиноятини енгилаштириш ёки озод қилишни сўраб, айбланувчиларни ўз кафиллигига олишлари натижасида, уларга бериладиган жазони енгиллаштириш ёки бутунлай озод қилиш имкониятлари туғилди.

Шу каби либирал чоралар ҳамда кенг жамоатчиликни хукуқбузарликларни олдини олиш бўйича судлар билан биргалиқда амалга ошираётган ҳаракатлари натижасида жуда кўп ҳолатларда жиноят йўлига адашиб кириб қолган фуқароларнинг яна жамиятга ва оила аъзолари бағрига қайтаётганлиги сир эмас.

*Сайёр суд мажлисларини ташкил этиши давр талаби-ундан асосий мақсад, бу судъялар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг шафофлигини таъминлаш, суд процесси иштирокчилари ва сайёр суд мажлисисида қатнашаётган жамоатчилик*



## **вакилларини ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборатдир.**

Ҳар қандай ҳолатда ҳам юқорида таъкидланганидек, суд процессларини сайёр суд мажлислари тайёрланиши давр талаби бўлиб, сайёр суд мажлисини ўтказилишининг асосий мақсади бу, кенг жамоатчилик ва аҳоли вакилларининг, яъни фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, аҳолини ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, судьялар ишларни сайёр суд мажлислари муҳокамасига тайинлаган дастлабки кунларда (ҳозирда ҳам) низодаги тарафларнинг айримлар норозичилик билдирган ва билдиришмоқда, сабаби тараф унинг шахсий манфаатига тегишли бўлган низони кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинишини хоҳламайди, бундай ҳолатларда судлар томонидан ишларни суд биносига тайёрланиб келинмоқда.

Айрим тарафлар эса, низони албатта сайёр суд мажлисида кўришни талаб қиласди ва низодаги иккинчи тарафини “инсофга келишига” ёки ярашув битими тузишига маҳалла ва жамоатчилик таъсири бўлишилигини истайди.

Шунинг учун келгуси бўлимларда қонун ва норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги таклифларга албатта сайёр суд мажлисига судьялар томонидан айнан қайси тоифадаги, шунингдек қайси тарафлар иштирокидаги ишларни тайинланиши ижобий натижабериши мумкинлиги, шубилан бирга қайси тоифадаги ишларни сайёр суд мажлисида кўрилиши тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ҳамда ишни ижобий эмас балки салбий натижаларга олиб келиниши мумкинлиги юзасидан таклифлар тайёрлаш мақсад қилинган.

Ишларни сайёр суд мажлисда кўрилган вақтида, ишга жалб этилган жамоатчилик вакиллари суд муҳокама қилаётган низонинг қандай ҳолатларда пайдо бўлганлиги, низони ҳал этишда қандай қонун ва норматив-ҳуқуқий



хужжатлар қўлланилиши, низонинг ҳал этиш усули ва унинг оқибатларини ўз кўзи билан кўриш ва эшитиш орқали хуқуқий саводхонлигини юксалиши табиийдир.


Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлисларида кўрилиши низоли оилаларни ярашиб кетишларига, aka-ука, ота-болалар, яқин қариндошлар ўргасидаги мулкий ёки номулкий низоларнинг ўзаро келишув битимлари билан тугашига, шунингдек айrim хуқуқбузарлик ишларини кескин камайиб кетишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўтказилаётган сайёр суд мажлисларида Республика жамоат бирлашмаларининг вакилларининг фаол иштироклари ҳамда низоларни келишув йўли билан яқунлашдаги ҳаракатлари жойлардаги аҳоли томонидан ижобий қабул қилинмоқда. Айниқса, қаерда жамоат ташкилотларининг сайёр суд мажлисини ўтказиш учун бино билан таъминлашда ҳамда кенг жамоатчилик ва аҳоли вакилларини иштирокини таъминлаб беришда суд идоралари билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда ўтказилган суд мажлисида ижобий натижаларга эришилмоқда.



## II-БОБ

# САЙЁР СУД МАЖЛИСЛАРИНИ ҮТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА УЧРАЁТГАН МУАММОЛАР








## 2.1. Суд ишларни сайёр суд мажлисила кўриш жараёнида учраётган муаммолар

Суд ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш жараёнида юзага келаётган муаммолар ҳақида фикр юритишдан олдин, “сайёр суд мажлисларида кўриш жараёни”га бир оз тўхталсак. Суд ишларини иш юритувига қабул қилиб, уни суд мажлисида кўришда асосан уч жараён мавжуд, улар:



Судья иш юритувига низо келиб тушгандан кейинги жараён, тайёрлов ва тайнилов жараёнида ишларни сайёр суд мажлисида кўриш ёки кўрмаслигини ҳал этади.

Республика судлар судьялар мазкур жараёнларни амалга оширишларида қандай муаммоларга тўғри келаётганликлари ҳамда уларни бартараф этиш юзасидаги Республика судлари судьяларининг фикрларини ўрганиш мақсадида қуийдаги саволнома тузиленган:

- » Ишларни сайёр суд мажлисларига **тайинлаш** юзасидан қандай муаммоларга дуч келмоқдасиз?
- » Сайёр суд мажлисини **ўтказища** мавжуд муаммолар нималардан иборат?



- » Қандай тоифадаги ишларни сайёр суд мажлисида күриш мақсадга мувофиқ, шунингдек қандай тоифадаги ишларни сайёр суд мажлисига тайинламаган маъқул деб ўйлайсиз?
- » Сайёр суд мажлиси тайинланган худудга бориб-келишга имкониятлар яратилганми?
- » Сайёр суд мажлиси белгиланган жойда бинонинг ёки худуднинг суд мажлисини олиб боришга мослашганми?
- » Сайёр суд мажлиси иштирокчилари ва суд мажлисида қатнашаётган аҳоли вакилларининг суд процесси тартиб-қоидаларига риоя этишларида муаммолар борми?
- » Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун Сизнинг фикрингиз бўйича қайси қонун ва қонун ости нормаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифингиз борми?
- » Сайёр суд мажлисларини ўтказишида белгиланган мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш керакми?
- » Ишларни сайёр суд мажлисида кўриб чиқиш бўйича алоҳида қонун ёки бирон - бир норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиш шартми?
- » Ишларни сайёр суд мажлисларида кўрилишининг ижобий томонлари нимада деб ўйлайсиз?

Мазкур саволнома Республиkaning Тошкент шаҳри ва вилояти, Андижон, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида фаолият кўрсатиб келаётган суд раислари ва судьяларига юборилди. Судьялар ўз фикрларини ёзма равишда ҳам телефон орқали оғзаки билдиришди.

Олинган фикрлар таҳлил этилганда айrim судьялар қўйилган масала юзасидан жуда саёз ёндашган бўлиб, уларнинг фикрича судьялар томонидан сайёр суд мажлисларини ихтиёрий ўтказиши белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлишлигини, ишларни камида



30 фоизини сайёр суд мажлисларида күришни қатый этиб белгиланғанлиги нокулайликлар келтириб чиқараётғанлигини ҳақидаги фикрлар билан чекланғанлар. Айримлари эса, сайёр суд мажлисларининг салбий ва ижобий оқибатлари бүйича фикрларини ва уларни такомиллаштириш юзасидан ўз фикрларини билдиришган.

*Изоҳ: Республика бўйича судларда қўрилаётган ишларни суд йўналишлари бўйича таққсолайдиган бўлсак, судьяларнинг иш ҳажми қўплиги, ишларни суд мажлисига қўришга тайёрлаш ва суд мажлисида қўрилишини мураккаблиги бўйича фуқаролик ишлар бўйича суд судьяларида олдинги ўринда туради.*

Шунинг учун сўровнома бўйича жавоблардан шуни англаш мумкин-ки, асосан иш ҳажмлари кўп бўлган судъялар тақлиф киритишда жиддий эътибор қаратганликларини кўриш мумкин.

Барча келган фикрларни умумлаштирган ҳолда жадвалга солинганды:



Мазкур жадвални таҳлил этадиган бўлсақ, сўровда вилоят суди раҳбарлари, вилоят ва туман судлари судьялари орасида исми шарифини кўрсатмаган ҳолда сўров ўтказилган. Вилоят бўйича жами келиб тушган жавоблар умумлаштирилиб, ижобий ёки салбий жавобларидан бири жадвалга киритилди.

Хусусан, қўйилган саволлар бўйича 10 нафар судья фикр билдирган бўлсада, улардан қайси савол бўйича қайси жавоблар бўйича кўп овоз олинганлигига қараб хулоса қилинди.

Масалан, сайёр суд мажлисларини ўтказиш судьялар масъулиятини оширадими, деган саволга аксарият судьялар “ҳа” жавобини беришган. Ҳақиқатдан ҳам сайёр суд мажлисига борган судья фақат иш кўриш билан чекланмасдан, қабул қилган ҳалқилув қарорнитушунтириши, сайёр суд мажлисида иштирок этаётган кенг жамоатчилик ва аҳоли вакилларига қонун нормалари ҳақида хуқуқий онгини оширишга қаратилган маъruzалар ўқишини ташкил этишлари учун албатта олдиндан тайёргарлик кўриб олишлари лозим бўлади.

Жадвалдаги транспорт билан таъминлаганлик бўйича вилоят судларида навбатчи машина билан таъминланганлиги учун сайёр судга бориб келишда муаммо йўқлигини кўрсатишган бўлса, туманлараро судлари судьяларининг айримлари ўзларининг шахсий транспорт воситаларидан фойдаланиб келаётганликларини, лекин аксарият фикрларда транспорт билан таъминланмаганлик нокурайликлар келтириб чиқараётганлигини кўрсатишган.

Шунингдек, сайёр суд мажлисларини ўтказиш жойларида бинолар билан таъминланганлик ҳам фақат ишларнинг тарафларидан бири юридик шахс бўлса, ўшанинг биносига тайинланиши, бошқа ҳолларда МФЙ ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари биноларига тайинланиб келаётганлигини, аксарият биноларда суд мажлисини ўтказиш учун шароитлар мавжуд эмаслигини билдиришган.



Сайёр суд мажлисига бориш келиш вақти, шунингдек сайёр суд мажлисларида кенг жамоатчиликни иштирок этганлиги ҳам ҳар бир ҳолатда турли фоизларда бўлиши кўрсатилган.

Сайёр суд мажлисини аҳолини ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги, судьянинг масъулиятини оширишдаги аҳамияти юқори эканлиги ҳам таъкидланган бўлсада, лекин жойларда жамоатчилик ва аҳоли вакилларини жалб этишда доимий муаммолар мавжудлигини таъкидлашган. Айниқса, сайёр суд мажлислариға жамоатчилик ва аҳолини вакилларини жалб этишда жамоатчилик ташкилотлари ва МФЙлари ҳар доим ҳам кўмаклашмаётганлигини, шунинг учун очиқ суд мажлисларида жуда кам одамлар қатнашаётганлигини кўрсатишган.

Юқорида кўрсатилган жадвалдаги муаммолардан ташқари ишларни сайёр суд мажлислариға тайинлаш ва уларни кўриб чиқиш жараёнида қуидаги муаммолар ҳам таъкидланган:

- » Сайёр суд мажлисларини ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи қонун нормаларини мавжуд эмаслиги;
- » Низоларни сайёр суд мажлислариға тайинлаш бўйича тавсиянома йўқлиги, ишларни сайёр суд мажлислариға тайинлашда иккиланиш юз бераётганлиги, сабаби ушбу низони сайёр судда кўришлиги тарафларнинг низосини кескинлашиб кетаётган ҳолатлар мавжудлигини;
- » Сайёр суд мажлисини ўтказиш учун белгиланган биноларнинг (асосан корхоналар, МФЙ бинолариға тайинланаётганлиги) суд мажлисини олиб боришга мослашмаганлиги, маслаҳат хонасини ташкил этишга деярли имконият йўқлигини;
- » биноларда ҳар доим ҳам электр энергияси билан таъминланмаганлигини, шунингдек иситиш ёки совутиш тизимларининг ишламаслигини;



- » Иш бўйича тарафларни бошқа-бошқа туман ёки вилоятларда жойлашганлиги оқибатида сайёр суд мажлиси муҳокамасига уларни келиб-кетишиларидағи ноқулайликлар;
- » Сайёр суд мажлисини ўтказиш жараёнида вужудга келаётган тарафларнинг бир-бирлари билан жанжалларини, суд ходимларига нисбатан қўпол ҳаракатлари ҳамда ҳақоратли сўзларидан, суд ҳужжатларини сақлаб туришни таъминлаш учун қўриқлаш ходимларининг йўқлиги;
- » Сайёр суд мажлисларида суд мажлиси котиби томонидан юритилаётган суд мажлиси баённомаларини тарафлар томонидан йиртиб юбориш ҳолатлари кузатилаётганлиги;
- » Сайёр суд мажлисини ўтказиш вақтида вакил ва бошқа шахсларнинг иш тақдим этилган ҳужжатларига зарар етказиши ҳолатларининг мавжудлиги;
- » Суд мажлисини жуда қўп ҳолатларда суд процесси иштирокчиларидан бирининг суд процессида ҳозир бўлмаслиги оқибатида, ишни қўришилик бошқа кунга қолдирилиши ва натижада ишни қўриб чиқиши бўйича процессуал муддатларнинг бузилаётганлигини;
- » Сайёр суд мажлислари тайинланган худудга бориш-келиш учун транспорт воситасининг мавжуд эмаслиги, бўлса ҳам талаб даражасидаги ёқилги маҳсулотлари билан таъминланмаслигини;
- » Сайёр суд мажлислари муҳокамасининг чўзилиб кетиши оқибатида суд биносига қайтиб келгунча кеч кириб қолишини, натижада эса йўлда юришнинг хатарли бўлиб қолиши;
- » Сайёр суд мажлисларини очиқ худудда ўтказилган вақтларда об-ҳавони бузилиши (ёмғир, шамол ва бошқалар) натижасида суд мажлисини бошқа кунга қолдиришга мажбур бўлинаётганлигини;




- » Сайёр суд мажлисларида суднинг ҳал қилув қарорлари эълон қилинадиган хоналарда Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг мавжуд бўлишилиги таъминланмаганлигини;
- » Кўпчилик ҳолатларда сайёр суд мажлиси ўтказиладиган худудда овқатлиниш учун имкониятнинг мавжуд эмаслигини;

Мазкур кўрсатиб ўтилган муаммолар юзасидан қонун ва норматив ҳужжатларга ўзгариш киритиш имкони бўлганлари юзасидан тегишли тавсиялар берилиши, айримлари юзасидан эса муаммоларни бартараф этиш имконияти фақат судларни моддий таъминоти билан шуғилланувчи департамент томонидан амалга оширилиши юзасидан таклифлар киритиш мақсад қилиб олинган.

Шунингдек, қайси тоифадаги ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва кўриш юзасидан келгусида судьялар учун тайёрланадиган Тавсияномада батафсил тўхтаб ўтишган қарор қилинди.

Юқоридаги келтирилган муаммолар ўхшашилик даражасида умумлаштирилганда қуйидаги кўринишдаги диаграмма пайдо бўлади:

### **Сайёр суд мажлисларини ўтказишдаги муаммолар**





Мазкур диаграммадан кўриш мумкин-ки, ишларни сайёр суд мажлислидан кўришни тартибга солувчи ва судьяларнинг сайёр суд жараёнида йўл-йўриқ кўрсатувчи қонун нормаларининг йўқлиги ҳамда қайси тоифадаги ишларни сайёр суд мажлислида кўриш бўйича аниқ кўрсатмани мажуд эмаслиги оқибатида судьялар фаолиятида нокулайликлар вужудга келмоқда.

Худди шунингдек, сайёр суд мажлиси тайинланган худудга бориб-келиш учун таранспорт воситаси билан таъминланмаганлик, суд мажлисини ўтказиладиган биноларнинг суд мажлисини ўтказишнинг оддий талабларга жавоб бермаслиги ҳам, турли туманда яшовчи тарафларнинг суд мажлиси бўладиган худудни топиб келишларидан нокулайликлар ҳам ишларни ташкил этишга салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Таҳлилларда яна шундай ҳолат кузатиладики, фуқаролик ишлари бўйича судларда аксарияти бир нечта туман аҳолисига хизмат кўрсатганликлари оқибатида, сайёр суд мажлислида аҳоли яшайдиган худудларга тайёрланганилиги судьянинг йўлга вақтини кўп кетишига сабаб бўлади.

Хусусан, бир туман билан иккинчи бошқа туман орасидаги масофанинг (айрим туманлар орасидаги масофа 100 кмдан ортиқ) узоқлиги натижасида судья сайёр суд мажлиси тайинланган худудга бориб-келиш учун йўлга вақт деярли ярим ёки бир кунини сарфланади;

Агар тайинланган ишлардан биронтаси бўйича талафлар ишни қолдирса, ишни кўриш муддатини бузмаслик учун 10-15-кунда яна бириб келишга мажбур бўлади. Шунингдек уларнинг кўрилаётган ишларнинг сони кўплиги натижасида ишларни 30 фоизини сайёр судларга тайёрланиши ҳам нокулайликларни келтириб чиқармоқда.

Хусусан, агар бир судья бир ойда 10 та иш кўрса, у иш юритувидаги ишдан 3 тасини сайёр суд мажлисида кўрса етарли, лекин 150 та ишини кўрган судья жами ишларини камида 30 фоизини сайёр судда кўриши учун 45 та ишини



сайёр суд мажлисига тайинлаш ва уни тегишли худуддаги бинода сайёр суд мажлисида кўришга мажбур бўлади.

Шунинг учун ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва уларни ўтказиш бўйича келгусида қилинадиган таклифларда сайёр мажлисларини ўтказишида ишларни кўп ёки камлигидан келиб чиқиб, фоиз кўринишида эмас, балки маълум миқдордаги (аниқ рақам) ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш бўйича таклифлар киритишни мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, агар судья узоқ масофадаги худудга сайёр суд мажлисини тайёрласа-да, тарафларнинг илтимосига ёки ўзининг ташаббуси билан кейинги суд мажлисини суднинг ўзини биносига тайинлашни ва бу ўтказилган судни ҳам қисман сайёр суд мажлисида ўтказилганлигини эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## **2.2. Судъялар томонидан келтирилган таклифлар**

Сўровномада кўрсатилган сайёр суд мажлисларини такомиллаштириш юзасидан келган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, энг асосийлари ҳамда кўпчилик томонидан илгари сурилган фикрлар қўйидагилардан иборат:

- » Ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва уларни сайёр суд мажлисларида кўриш тартибни мувофиқлаштириш учун амалдаги Кодекс ва норматив-хукуқий хужжатларга ўзgartариш ва кўшимчалар киритиш;
- » Қандай тоифадаги низоларни сайёр суд мажлисларида кўрилиши, қайсиларини тайинлаш мақсадга мувофиқ эмаслиги юзасидан тавсиянома (ёки кўрсатма) ишлаб чиқиш;
- » Ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва низоларни сайёр суд мажлисларида кўриш бўйича судъялар учун тавсиянома ишлаб чиқиш;




- » Сайёр суд мажлисларини ўтказишни таъминлаш учун судьяларнинг моддий ва техник имкониятларини кучайтириш, хусусан сайёр суд мажлисига олиб бориш ва олиб келиш учун транспорт воситалари билан таъминлаш;
- » Сайёр суд мажлис муҳокамалари баённомасини жойида юритиш мақсадида ноутбук ёки планшетлар билан таъминлаш;
- » Сайёр суд мажлислари худудларидағи суд мажлисини ўтказиш учун биноларни тайёрлаш учун МФЙ ёки тегишли корхона раҳбарларини масъулиятини белгилаш мақсадида уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар ишлаб чиқиш;
- » Сайёр суд мажлисида қатнашаётган суд иштирокчилари, жамоатчилик ва аҳоли вакилларининг ишни муҳокама қилиш вақтида тартибни сақлаш ҳамда суд аппарати ходимлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қўриқлаш ходимларини (Миллий гвардия вакилларини) иштирокини таъминлаш юзасидан норматив-хуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш;
- » Сайёр суд мажлислариға айрим судга қўмаклашувчи шахсларга ҳаражатларини қоплашни белгиловчи нормаларни ишлаб чиқиш;
- » Сайёр суд мажлисига бориш-келиш йўлларини эътиборга олган ҳолда судга биринчирилган транспорт воситаларига судларни таъминоти билан шуғилланувчи департаменти томонидан қўшимча ёқилғи маҳсулотларини ажратиш бўйича нормаларни белгилаш;
- » Ишларни сайёр суд мажлисларида қўришга мослаштирилган транспорт воситаларини (автобусларни) ташкил этиш ҳамда транспорт



воситасининг ўзида кичик суд мажлис зали жиҳозларини ҳамда орттехникани жойлаштириш;

Фуқаролик ва иқтисодий судлар судьялари томонидан билдирилган таклифлар тоифалаштирилганда қуидаги диаграммани кузатиш мумкин:

### **Келиб тушган таклифлар**



### **2.3. Сайёр суд мажлисларида кўрилган айрим ишлардан намуналар**

#### ***Тарафнинг суд мажлисига келмаганилиги натижасида сайёр суд мажлисини бошқа кунга қолдирилган***

Фуқаролик ишлари бўйича Зангюта туманлараро судининг иш юритувига 2018 йил 17 октябр куни даъвогар И.Восиеванинг жавобгар К.Восиевга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик иши И.Восиеванинг отонаси яшаб келаётган Чиноз туман Дўстлик МФЙ биносида сайёр суд мажлисида ўтказиш ҳақидаги туман хотин-қизлар кўмитасининг илтимоси қаноатлантирилган ва ишни суд мажлисида кўриб чиқиш МФЙ биносига 2018 йилнинг 28 октября соат 17-00 га белгиланган ва иштирокчиларга бу ҳақида чақирув қоғозлари юборилган. Жавобгар ва



у яшайдиган МФЙ вакиллариға чақи्रув қағози етказиб берилганилиги ҳақидаги маълумотнома иш хужжатларида мавжуд бўйсада, улар суд мажлиси тайинланган куни ва соатда сайёр суд мажлисига келмаганлиги сабабли суд мажлиси бошқа кунга қолдирилган. Суд ходимлари суд биносидан 54 км узоқликда жойлашган худуддан қайтиб келишга мажбур бўлишган.

### ***Транспорт воситасининг йўқлиги судьянинг холислиги путур етказган***

Тойлоқ туманлараро иқтисодий суднинг иш юритувига туман даъвогар Фермерлар уюшмасининг 7 нафар фермер хўжалигига нисбатан кўрсатилган хизмат учун қарздорликни ундириш ҳақидаги даъво аризаси 2018 йил 2 ноябр куни келиб тушган. Ишни ўз вақтида ва тарафларнинг иштирокини таъминлаган ҳолда ўтказиш учун сайёр суд муҳокамаси қарздор фермер хўжаликларнинг бирига тайинланган. Суд муҳокамаси тайинланган куни судьянинг транспорт воситаси мавжуд бўймаганлиги оқибатида судья ва суд ходимлари даъвогар вакилининг транспорт воситасида сайёр суд мажлисига боришган. Жавобгар фермер хўжаликлари раҳбарлари судьянинг холислигига шубҳа пайдо бўлганлиги сабабли судьяни рад этиш ҳақида ариза беришга ва суд муҳокамаси қолдирилган.

### ***Судьянинг низони сайёр суд мажлисига тайинлаганлиги салбий оқибатга олиб келган***

Туманлараро суди даъвогар С.Икромованинг жавобгар М.Каримовга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси туман ҳотин-қизлар қўмитаси раисининг илтимосига биноан М.Каримовнинг яшаш жойдаги МФЙ биносига тайинланган. Суд муҳокамасига МФЙ фаоллари ва М.Каримовнинг яқин қўшнилари чақирилган. Жавобгарнинг фуқаролик ишлари бўйича суд ишлари ҳақида тушунчаси бўймаганлиги оқибатида, суд муҳокамаси жараёнида



даъвогарга “мен энди судланган бўлиб қоламан” деган фикр билан тан жароҳати етказган ва даъвогар шифохонага ётқазилган. Натижада эса, М.Каримовга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

### ***Судьяниң суд қарорини эълон қилиши қоидаларини бузилиши ҳолати***

Туманлараро суди даъвогар туман ҳокимиятининг 5 нафар фермер хўжаликлардан ер майдонини қайтариш ҳақидаги даъво талабини фермер хўжаликлиридан бири эгаллаб келаётган ер майдонининг ўртасига тайинлаган. Сайёр суд мажлиси ўтказаётган ер майдонига фақат битта стол ва иккита стул қўйилган. Суд процессини ўтказиш ва ҳал қилув қарорини маслаҳатхонада қолиб эълон қилиш тартиби судья томонидан бузилган ҳолда, даланинг ўзида ҳал қилув қарори эълон қилинган.

### ***Тараф бошқа тумандан сайёр суд мажлисига келмаганлиги***

Туманлараро судига даъвогар И.Камолов жавобгар З.Истроиловга нисбатан қарз ундириш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган. Суд мажлиси И.Камолов яшаётган туман худудидаги ҳалқ қабулхонаси биносига тайинланган. З.Истроилов яшаётган тумандан суд мажлиси тайинланган тумангача бўлган масофа 67 км ташкил этганлиги учун у суд мажлисига етиб келаолмаганлиги натижасида суд мажлиси бошқа кунга қолдирилган.

### ***Тарафларнинг ўзаро мажаролари сабабли ишини қолдирилганлиги учун судьяга қилинган таҳдид***

Даъвогар М.Исломқулов Фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига жавобгар А.Исломқуловга нисбатан мерос мулқдан улуш ажратиш хақида даъво ариза билан мурожаатқилган. Судмажлисида стлаб суднинг биносига



тайинланган, лекин тарафларнинг илтимосига қўра сайёр суд мажлиси Миробод туман Дўстлик МФЙ Беруний кўчасида жойлашган низоли уйга тайинланган. Сайёр суд мажлиси давомида тарафлардан бирининг раислик қилувчидан гувоҳлик қилиши мумкин бўлмаган шахсларни кўрсатмасини суд мажлиси баённомасига қўшишни сўраганлиги сабабли тарафлар ўртасида ўзаро жанжаллар келиб чиқиб кетган. Раислик қилувчининг жанжални тинчлантириш бўйича қилган ҳаракатлари натижа бермаганлиги учун ишни бошқа кунга қолдириш хақидаги ажримни эълон қилган. Суд таркиби кетаётган вақтида М.Исломқулов судьянинг машинасини олдини тўсиб, ишни хозир хал қилиб берасан деб таҳдид қилган. Суд ходимлар базўр оломон ичидан аранг вазиятдан чиқиб кетишга эришган.

### ***Низони сайёр суд мажлисига тайинланганлиги салбий оқибатга олиб келган***

Туманлараро суди даъвогар М.Қосимхоновни жавобгар С.Хамидовага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси даъвогар ва жавобгар битта МФЙда яашлиги сабабли МФЙ биносига тайинланган бўлиб, Судья С.Хамидовани никоҳдан ажратишни истамаслигини эътиборга олиб, оилани сақлаб қолиш имкони бор деб хисоблаб, даъво аризани қаноатлантиришни рад қилиб, суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилган вақтида, М.Қосимхонов С.Хамидовани жазолаш мақсадида фарзандини жавобгардан олиб қочганлиги оқибатида суд мажлиси жанжал билан яқунланган. Буни натижасида яна бир фарзандни тарбиясига олиш ҳақидаги даъвони судга берилишига асос бўлган. Шунингдек, суд мажлиси бўлаётган бинода суд қўриқчиларни йўқлиги М.Қосимхонов ўзини ҳаракатларини жиловламаган.

## III-БОБ

# САЙЁР СУД МАЖЛИСЛАРИНИ ҮТКАЗИШГА ОИД АМАЛДАГИ НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ







### **3.1. Суд ишларни кўришни тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлар**

Фуқаролик ишлари бўйича ва иқтисодий судларда (кейинги ўринларда судлар деб юритилади) ишларни сайёр суд мажлисларида кўришни тартибга солувчи қонунчиликни таҳлил қилишдан олдин умуман суд ишларини кўришни тартибга солувчи мавжуд қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш лозим бўлади<sup>8</sup>.

Ҳар бир шахсга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-харакатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқининг кафолатланиши<sup>9</sup> ҳамда ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолашилаётган хуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодий судга (судга) мурожаат қилишга ҳақли эканлиги ҳақидаги<sup>10</sup> нормалар амалдаги қонун ҳужжатларимизда белгилаб қўйилган.

**Фуқаролик суд ишларини юритиш деганда, фуқаролик процессуал хуқуқ нормалари билан белгиланган фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тартиби тушунилади. Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари буйруқ тартибидаги ишларни, даъво тартибидаги ишларни, алоҳида тартибда юритиладиган ишларни, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни ва чет давлат судларининг ҳамда чет давлат ҳакамлик судларининг (арбитражларнинг) ҳал қилув қарорларини тан олиш**

<sup>8</sup> Дастлабки бўлимларда барча судлардаги ишларга эътибор қаратилган, келгусида фақат фуқаролик ва иқтисодий суд ҳужжатлари ҳққида сўз юритилади

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-моддаси

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 3-моддаси



ва ижрога қаратиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш тартибини белгилайди.

Иқтисодий суд ишларини юритиш деганда эса, иқтисодий процессуал ҳуқуқ нормалари билан белгиланган иқтисодий ишлар бўйича иш юритиш тартиби тушунилади. Иқтисодий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари буйруқقا, даъво ишини юритишга оид ва алоҳида тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Судларда ишларни юритиш деганда, бир қатор процессуал ҳаракатларни ўз ичига олган жараён тушунилади, улар:

- » низолашаётган тарафнинг даъво аризасини келиб тушиши;
- » даъво аризани судья томонидан иш юритувига қабул қилиб, суд ишини қўзғатиши;
- » ишни суд муҳокамасига тайёрлаши;
- » ишни суд мажлисида кўриб чиқиш учун муҳокама қилинадиган кунга тайинлашини ўз ичига олади

*Суд ишларини юритишнинг мақсади низоли ҳуқуқий муносабат соҳасига жалбэтилган барча субъектларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.*

Ишларни юритишида манфаатдор шахснинг судга келтирган даъво аризаси ягона асос бўлиб ҳисобланади.

*Даъво асли арабча сўз бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш ҳақида суд орқали ёки бошқа йўллар билан қўйилган талабдир.*

Юридик адабиётларда даъво тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: даъво – бу низоли ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ тўғрисидаги низони процессуал тартибда кўриб, ҳал қилиб бериш тўғрисидаги даъвогарнинг судга қилган талабидир.



Судья ишни судда кўришга тайёрлашга аризани ишни қўзғатиб, ўзининг иш юритувига даъво аризани қабул қилиб олганидан сўнг киришади.

Даъво ариза судга келиб тушган кундан эътиборан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш ҳақидаги масалани иқтисодий суд судьяси беш кундан кечиктирмай ҳал этиши<sup>11</sup>, фуқаролик ишлар бўйича суд судьяси эса ўн кундан кечиктирмай ҳал этиши<sup>12</sup> қонун хужжатларида белгилаб қўйилган.

Умуман судларда даъво аризани қабул қилиш ва уни суд мажлиси муҳокамасига тайинлаш ва суд муҳокамаларини ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг<sup>13</sup>:

«Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли;

«Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2018 йил 19 майдаги 14-сонли;

«Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида»ги 2018 йил 24 августдаги 26-сонли;

«Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги 2018 йил 30 ноябрдаги 33-сонли;

«Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида» ги 2019 йил 24 майдаги 12-сонли;

«Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2019 йил 24 майдаги 13-сонли;

---

11 Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекнинг 152 - моддаси

12 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси 192-моддаси

13 Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судлари бирлашганлиги сабабли шундай ёзилди



«Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли;

“Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида”ги 2006 йил 27 январдаги 142-сонли;

“Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда хўжалик судларининг ролини ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 12 марта 115-сонли қарориларини келтириш мумкин.

Судья иқтисодий низо юзасидан даъво аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай: ишга иштирокчиларни жалб этиш ва уларнинг ҳукуқлари ҳақида хабардор қилиш; ишда иштирок этувчи шахсларга ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этишни таклиф этиш; гувоҳларни чақириш, экспертиза тайинлаш, шунингдек бошқа шахсларнинг ишга киришиши, ишларни битта иш юритишга бирлаштириш ёки даъво талабларини алоҳида иш юритишга ажратиш, суднинг сайёр мажлисини ўтказиш тўғрисидаги масалаларни ҳамда ишни тўғри ва ўз вақтида ҳал этилишни таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириши лозим<sup>14</sup>.

Фуқаролик иш бўйича даъво ариза келиб тушгандан сўнг судья аризани қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида ажrim чиқарганидан сўнг ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиши ҳамда ҳал қилиш мақсадида ўн кунлик муддатдан кечиктирмай уни суд муҳокамасига тайёрлайди ва уни суд мажлисида муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида ажrim чиқаради<sup>15</sup>.

Агар юқоридаги қонун нормаларига эътиборни қаратадиган бўлсак, иқтисодий қонунчилик нормаларида

---

14 Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессул кодекси 163-моддаси

15 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессул кодекси 204-моддаси



ишларни сайёр суд мажлисларида қўриш ҳақидаги норма ўз аксини топганлигини, фуқаролик ишларни суд муҳокамасига тайинлашда эса мазкур норманинг мавжуд эмаслигни кузатиш мумкин.

Шунингдек, аввалги бўлимларда қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июнданги РС-09-17-сонли қарори билан тасдиқланган “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича Услубий тавсиялар”да:

- » сайёр суд мажлислари очик суд мажлисларида қўрилиши;
- » сайёр суд мажлисини ўтказищдан мақсад этиб, жамиятда қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлаш;
- » амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар, шу жумладан моддий ва процессуал қонунчиликнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунириш;
- » суд томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги, холислиги ва одиллигини аҳолининг кенг қатламига намойиш этиш орқали уларнинг хуқуқий маданияти, хуқуқий онги ва хуқуқий саводхонлигини оширишга эътибор қаратилиши;
- » Сайёр суд мажлисини ўтказишининг мақсадга мувофиқлиги ва имконияти суд томонидан суд мажлиси ўтказилиши режалаштирилаётган давлат органи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи, корхона, муассаса ва ташкилотнинг раҳбарияти билан келишилган ҳолда ҳал қилиниши;
- » сайёр суд мажлиси ўтказилиши учун ажратилган жой меъёр ва юқори профилактик самарага эришиш талабларига жавоб бериши лозимлиги;
- » суд мажлиси айни бир корхона, ташкилот ва муассасада ёки бир меҳнат жамоасида мунтазам равишда ўтказилмаслиги, аҳоли қатламини камида 70-80 фойзни жалб этиб, процессуал



қонунчилик талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилиши белгиланган.

**Раёсат қарори билан, фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан сайёр суд мажлисларида кўришга:**

- » Фуқарони турар жойга нисбатан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топиш;
- » Турар жойдан кўчириш;
- » Уй-жойни бўлиш;
- » Уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш;
- » Ишга тиклаш;
- » Мерос низолари;
- » Ер участкасининг чегараларини белгилаш;
- » Ер участкасини бўлиш;
- » Мол-мulkни рўйхатдан чиқариш;
- » Мол-мulkни бўлиш;
- » Фуқарони ўлган ва бедарак йўқолган деб топиш. деб эълон қилиш.

**Иқтисодий ишлар бўйича судларга эса:**

- » Шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар (хусусан, ер ижара шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги ишлар);
- » Мулк хуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;
- » Мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар (хусусан контрактация, кредит шартномалари бўйича);
- » Мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мulkни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;
- » Мулкдорнинг ёки мол-мulkнинг бошқа қонуний эгасининг хуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;
- » Етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар;



- » Солиқ қарзини қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тұғрисидаги низолар;
- » Ташкилот ва фуқароларнинг банкротлиги тұғрисидаги ишлар;
- » Хуқуқий таъсир чораларини құллаш тұғрисидаги ишлар;
- » Корпоратив низоларини сайёр суд мажлисларида күриш тавсия этилган.

Бошқа бирон-бир қонун ёки норматив-хуқуқий хужжатларда судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлислариға тайинлаш ва сайёр суд мажлисларида күриш тартиб тамойилини белгилаб берувчи нормалари үз аксини топмаган.

Агар юқорида қайд этилган Кодекс ва Раёсат қарорларидаги киртилган нормаларни таҳлил этадиган бўлсақ, айнан сайёр суд мажлисини ўтказиш бўйича қоида үз аксини топмаганлигини кўриш мумкин. Раёсат қарорининг айрим талаблари эса судьянинг ваколатига тааллуқли бўлмаган масалалар ҳам кириб қолган (дек), мазкур талабларни бажариш учун судья қандай ҳаракатларни амалга оширишини билмаслиги тайин.

Хусусан, суд томонидан суд мажлиси ўтказилиши режалаштирилаётган давлат органи, маҳаллий үзини үзи бошқариш органи, корхона, муассаса ва ташкилотнинг раҳбарияти билан келишилган ҳолда ҳал қилиниши белгиланган. Савол – судья кўрсатилган идоралар раҳбарлари билан қандай келиши мумкин?

Шунингдек, сайёр суд мажлиси ўтказилиши учун ажратилган жой меъёр ва юқори профилактик самараға эришиш талабларига жавоб бериши лозимлиги белгиланган бўлиб, худудларда бундай талабларга жавоб берадиган жойни топиш имконияти мавжуд – мавжуд эмаслги, бундай қулийликларга эга бўлган жойни топиш ноқулайлик (бажариб бўлмаслиги) туғдириши эътиборга олинмаган;

Кейингиси, суд мажлиси айни бир корхона, ташкилот ва муассасада ёки бир меҳнат жамоасида мунтазам равища



ўтказилмаслиги, аҳоли қатламини камида 70-80 фоизни жалб этиш белгиланган. Мазкур топшириқни бажаришни имкониятига ҳам судьянинг ваколати ва кучи этиши эътибордан четда қолгандек кўринади.

Мазкур Раёсат қарори вақт ўтиши билан тегишли ўзгартириш ва қшимчалар киритишга муҳтоҷ эканлиги сабабли, келгуси бўлимларда норматив ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда мазкур қарор талабларига ҳам тегишли тавсиялар бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна бир ҳолатга тўхталиб ўтадиган бўлсак, Раёсат қарори билан айрим ишларни сайёр суд мажлисида кўрилишини тавсия этилмаган бўлсада, лекин амалда фуқаролик ишлари бўйича суд судьялари юқорида қайд этилган низо тоифаларидан ташқари:

- » никоҳдан ажратиш;
- » фарзанд билан кўришиб туриш;
- » фарзандини ўз тарбиясига олиш;
- » алимент миқдорини камайтириш;
- » ўзбошимчалик билан қурилган бинони буздириш;
- » ер майдонида чиқариш;
- » қарз ундириш;
- » васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш каби низолар ҳам тарафларнинг илтимосларига асосан сайёр суд мажлисларида кўрилган.

Мазкур низоларни сайёр суд мажлисларида кўрилганда, мазкур низолар бўйича сайёр суд мажлисларининг ижобий яқунланганлигини, яъни тарафларнинг келишув битимиға ёки ярашиб кетганлик ҳолатларини кузатиш мумкин. Шунингдек, айнан шу низоларни кенг аҳоли қатламини жалб этиб кўрилиши ишда иштирок этганларнинг ҳукукий маданиятини оширилишига ҳам ўзининг катта таъсирини кўрсатаётганлиги билан эътиборга сазовор бўлиб келмоқда.

Худди шунингдек, Раёсат қароридаги иқтисодий ишлар бўйича сайёр суд мажлисларида кўришга тавсия этилган ишлар тоифаларидан ташқари ҳам:



кўрсатилган хизматлар учун ҳақ ундириш;

етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ундириш билан боғлиқ низолар ҳам сайёр суд мажлисларида кўрилиб келинмоқда ва бу ишларни сайёр суд мажлисида кўрилиши ижобий натижалар бераётганилигини кўриш мумкин.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлашнинг қатъий чегарасини белгилаш шарт эмаслиги, судья тарафларнинг илтимослари, ишдаги мавжуд хужжатлар, келтирилган важлардан келиб чиқиб мустақил ҳал этиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқоридаги Кодекс ва Раёсат қароридан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг:

2018 йил 19 майдаги 17-сонли қарорига асосан қарорига ўзгартириш киритилган 2007 йил 15 июндаги “Иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида”ги 161-сонли қарорининг 5-бандида, ишнинг ёпиқ ёки очиқ, сайёр суд мажлисида кўриб чиқилганлиги кўрсатилиши ҳақидаги;

2006 йил 27 январдаги “Банкротлик тўғрисидаги қонун хужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айrim масалалари ҳақида”ги 142-сонли қарорининг 43-бандида;

2004 йил 12 мартағи “Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суиистеъмолчиликларнинг олдини олишда хўжалик судларининг ролини ошириш тўғрисида”ги 115-сонли қарорининг 15-бандида судлар, муайян иш ҳолатларидан келиб чиқиб, бундай тоифадаги ишларни сайёр суд мажлисларида кўриб ҳал этишлари лозимлиги ҳақида қисқа тушунтириш берилган.

Юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Кодекси, Олий суди Раёсат ва Пленум қарорида судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш мумкинлиги тўғрисида қисқа тушунчалар киритилган бўлсада, лекин ишларни сайёр суд мажлисларига тайёрлаш



ва тайинлаш тартиб-қоидалар юзасидан бирон-бир йўналиш берилмаган.

Шунинг учун келгусида қонун нормалариға таклиф этилаётган тавсияларда:

- » судья томонидан ишларни сайёр суд мажлисларида кўришга танлаш ва тайинлаш тартиби;
- » сайёр суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойига қўйиладиган талаблар;
- » сайёр суд мажлисини ўтказиш мумкин бўлмаган объектлар ва ҳудудлар;
- » биноларни тайёрлашга кетадиган қўшимча муддатлар ва бошқа ташкил этиш билан боғлиқ масалалар;
- » сайёр суд мажлиси ўтказиш учун сарфланадиган қўшимча ҳаражатлар;
- » сайёр суд мажлисида кўриб чиқиш мумкин бўлмаган ишлар тоифалари;
- » сайёр суд мажлисида суд муҳокамаси иштирокчиларидан ташқари жамоатчилик ва аҳолини вакилларини қатнашиш тартиби каби нормаларни ўз ичига олган бўлишлигини эътиборга олиш лозим бўлади.

### **3.2. Ишларини суд мажлисига тайёрлашда фойдаланилаётган қонун ва норматив-хуқуқий хужжатларнинг таҳлили**

Ишларни суд мажлисига тайёрлаш ва тайинлаш босқичлари суд процессининг энг муҳим жараёнларидан ҳисобланиб, айнан мана шу жараёнларда ишни суд биносига ёки сайёр суд мажлисига тайёрлаш зарурлик масаласи ҳал этилади. Суд мажлиси муҳокамасига тайёрлаш ва тайинлаш босқичидаги жараёнда айрим ҳаракатлар суд биносига ёки сайёр суд биносига тайинланишидан бир оз фарқланади.



Ҳар иккала ҳолатда мазкур жараёнлар суднинг ажримлари асосида хulosага келинади.

Мазкур жараённинг ўта муҳимлиги сабабли судларга келиб тушган даъво аризаларини иш юритувга қабул қилиш ва сайёр суд мажлисига тайинлагандан то ҳал қилув қарорини қабул қилингунга қадар бевосита ва билвосита қўллаши мумкин бўлган қонун ва норматив-хуқуқий хужжатларни таҳдил этиб, мазкур қонун хужжатларга сайёр суд мажлисларини ташкил этиш юзасидан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур ёки зарур эмаслигига хуқуқий баҳо бериш лозим деб топилди. Бунга асосий сабаблардан бири суд ишларни суд мажлиси биносида қўришида фақат процессуал қонун нормаларида фойдаланса, ишларни сайёр суд муҳокамасига тайинлаганда бир қатор давлат ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш зарурияти туғилмоқда. Мазкур талаблардан келиб чиқсан ҳолда қўйидаги Қонун ва норматив-хуқуқий хужжатларда сайёр суд мажлисини ўтказища ҳамкорлик қилишга қаратилган бирон-бир норма ёки қоиданинг мавжуд-мавжуд эмаслиги ўрганилди. Хусусан:

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги Қонунини ўрганилганда унинг 9-моддасида фуқаролар ва жисмоний шахслар билан сайёр қабуллар ташкил қилиш тартиби белгиланганлиги;

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 2013 йил 22 апрелдаги Қонуни ўрганилганда мазкур қонунда сайёр судни ташкил этишда қўмаклашиш масаласи бирон-бир нормасида мавжуд эмаслиги;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик, Оила ва Уй-жой кодексларининг қоидаларида ҳам сайёр суд тушунчаси ўз аксини топмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг:



«Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги 2009 йил 24 ноябрдаги 14-сонли;

«Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида»ги 2018 йил 19 майдаги 14-сонли;

«Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида»ги 2018 йил 24 августдаги 26-сонли;

«Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги 2018 йил 30 ноябрдаги 33-сонли;

«Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 2019 йил 24 майдаги 12-сонли;

«Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айrim масалалари тўғрисида»ги 2019 йил 24 майдаги 13-сонли;

«Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли қарорларида ҳам ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ёки кўриш бўйича тушунтиришлар ўз аксини топмаган.

Шунингдек, суд фаолиятига бевосита боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигининг 2007 йил 12 январдаги «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорилари ўрганиб чиқилганда, мазкур Йриқномада ҳам сайёр судлар ҳақида тушунтиришлар берилмаган.

Ўрганиш натижаларидан шундай хулоса қилиндики, кейинги бўлимларда мазкур норматив-хуқуқий ҳужжатларга ҳам судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлисларига тайинланган вақтида ўзаро ҳамкорлик ва айrim ҳолатларни тартибга солувчи қоидаларни киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

## **IV-БОБ**

**АМАЛДАГИ ҚОНУН ВА  
НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ  
ХУЖЖАТЛАРИНИ САЙЁР СУД  
МАЖЛИСЛАРИНИ ЎТКАЗИШГА  
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА**

**ТАВСИЯЛАР**







#### **4.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини сайёр суд мажлисларини ўтказишига мувофиқлаштириш**

Судлар томонидан одил судловни амалга ошириш юзасидан мавжуд қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил этилганда ишларни сайёр суд муҳокамасига тайинлаш ва суд мажлисида қўриш жараёнларини тартибга солувчи қонун нормалари мавжуд эмаслиги, фақат Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 163-моддасининг 10-бандида сайёр суд мажлисиға тайинлаш мумкинлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июнданги РС-09-17-сонли қарори билан тасдиқланган “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича Услубий тавсиялар”да эса судьяларни сайёр суд мажлислари ўтказишида бажаришлари лозим бўлган кўрсатмалар берилган.

Бироқ, мазкур Кодекс ва қарорда ишларни сайёр суд мажлисиға тайинлаш, суд мажлисини ўтказишининг тартиби, ташкил этиш қоидалари берилмаган. Шунинг учун ҳам республика судларида сайёр суд мажлисларини ўтказишининг ягона амалиёти мавжуд эмас.

Олдинги бўлимларда қайд этилган сайёр суд мажлисларини ўтказишидаги ижобий натижалар билан бир қаторда қатор муаммолар мавжудлиги, мазкур муаммоларни ҳал этиш учун амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартириш киритмасдан туриб уларни ҳал этиб бўлмаслигини таъкидлагандик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ваколатига киритилган қарорларга ҳам ваколат доирасидан келиб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

Ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидаги қисмларга ажратган ҳолда алоҳида-алоҳида тайёrlашни мақсадга мувофиқ деб олинди:



**биринчи қисмида** амалдаги Кодексларга – судьялар томонидан ишларни сайёр суд мажлисида кўриш учун тайинлаш ва ишларни суд мажлисида кўришни ташкил этишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш юзасидан;

**иккинчи қисмида** амалдаги Қонун хужжатларига - суд судьялари томонидан ишларни сайёр суд мажлисларини худудларда ўтказилишида бино, шунингдек жамоатчилик ва аҳоли вакилларини иштирокини таъминлашда айrim давлат органлари, идора ва ташкилотларининг ҳамда жамоат бирлашмаларининг амалий ёрдамларини кўзда тутивчи нормаларни киритиш юзасидан;

**учинчи қисмида** амалдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленум ҳамда Раёсат қарорларига – судьяларини ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва уни ўтказишда қонун ва қонун ости хужжатларини қўллаш билан боғлиқ йўналишлар ва тавсиялар киритиш юзасидан;

**тўртинчи қисмида** амалдаги Ўзбекистон Республикаси Олий суд билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари билан тузилган Кўшма кўрсатмалар ва Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Мемарандумларга – судьяларни ишларни сайёр суд мажлисида кўриш жараёнида жамоатчилик ва аҳоли вакилларини жалб этишда ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича тузиладиган турли келишувлар юзасидан;

**бешинчи қисмида** - суд судьяларининг сайёр суд мажлисларини ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларини ҳал этиши мумкин бўлган янги хужжатларни ишлаб чиқиш юзасидан фикрлар бериш мақсад қилинган.

Тавсияларни тайёрлашда асосан судьялардан олинган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар асос қилиниб олинган. Тавсияларни ишлаб чиқиша қўйидаги асосий йўналишларга аҳамият беришга қаратилган:

» Ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва уларни сайёр судларда кўриш хукуқини берувчи



- хужжатларни амалдаги Кодекс ва норматив-хуқуқий хужжатларга киритиш;
- » Сайёр суд мажлисларида кўрилиши мумкин бўлган низолар ва уларни кўриш тартибини белгилаш;
- » Ишларни сайёр суд мажлисларида тайинлаш ва низоларни сайёр суд мажлисларида кўриш тартибини ва тавсияларни ўз ичига олган судьялар учун тавсиянома ёки қўлланма ишлаб чиқиш;
- » Сайёр суд мажлисларини ўтказишни таъминлаш учун судьяларнинг моддий ва техник имкониятларини кучайтириш, хусусан сайёр суд мажлисига бориб келишлари учун транспорт воситалари ва маҳсус техника жихозлари билан таъминлаш;
- » Сайёр суд мажлис ўтказишда ноутбук ёки планшетлар билан таъминлаш;
- » Сайёр суд мажлисларига биноларни тайёрлаш ва аҳоли вакилларини жалб этиш механизимни ишлаб чиқиш;
- » Сайёр суд мажлисида тартибни сақлаш, судья ва суд ходимларини хавфсизлигини таъминлаш учун кўриқчилар билан таъминлаш бўйича норматив хужжатлар қабул қилиш;
- » Сайёр суд мажлислари ташкил этилганлиги муносабати билан қўшимча қилинган ҳаражатларини қоплаш меъёrlарини ишлаб чиқиш;
- » Ишларни сайёр суд мажлислари кўришга мослаштирилган транспорт воситаларини ташкил этиш, яъни транспорт воситасининг ўзида кичик суд мажлис залини ташкил этиш;
- » Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича судьялар ва ходимларни малакаларини ошириш учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш;



#### **4.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига:**

1. 31-моддасига “агар судловга тегишилик қоидалари бўйича сайёр суд мажлисини ташкил этиш қўшни туман суд судловига тегишили бўйича ўтказиш” ҳақида қўшимча нормани киритиш;
2. 55-моддани матнини тўлиқ қайта кўриб чиқиш керак ва унда судья ёрдамчисини ишларни сайёр суд мажлисига тайинлаш ва кўришдаги аниқ вазифаларини кўрсатиб бериш керак;
3. 117-118 -моддаларига суд процессини сайёр суд мажлисига тайёrlаш бўйича илтимосини кўриш масаласи ҳал бўлгунга қадар тўхтатиб туриш бўйича норма киритиш;
4. 132 ва 135--моддаларига ишни сайёр суд мажлисини кўриш ва сайёр суд мажлисига суд процессига кўмаклашувчи шахсларни жалб этиш билан боғлиқ бўлган чиқимларни ундириш ҳақидаги нормани киритиш;
5. 143 ва 145-моддаларидаги процессуал мажбурлов чоралари таркибига, сайёр суд мажлисини ўтказиш чоғидаги тартибни бузиш билан боғлиқ ҳолатларга жавобгарлик масаласини киритиш;
6. 156-моддасидаги сайёр суд мажлисида иштирок этувчи шахслари ва суд жараёнига кўмаклашувчи шаҳсларга суд чақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса буюртма хатлар, телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилингандлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга чақирилиши ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисидаги нормаларни киритиш лозим;
7. 201-202, 203, 205-моддаларидаги нормаларга ишларни сайёр суд муҳокамасига тайёrlаш ва



- тайинлаш вазифалари ҳақидаги нормани киритиш керак;
8. 206-моддасидаги судья ёрдамчисининг (катта ёрдамчисининг) ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатлари жумласига, ишларни сайёр суд мажлиси муҳокамасига тайёрлаш ва тайинлаш бўйича ҳаракатларини киритиш керак;
  9. 208<sup>1</sup>-модда, яъни сайёр суд мажлисларини, деган янги таҳрирдаги модда киритилиши ва унда сайёр суд мажлисини ўзига хос холатларини очиб бериш керак;
  10. 219-моддасига суднинг ишда иштирок этувчи шахсларнинг сайёр суд мажлисини ўтказиш бўйича илтимос киритиш ҳуқуқларини ва уни ҳал этиш тартибини киритиш керак;
  11. 223-моддасига ишларни сайёр суд мажлисида кўрилаётган иш муҳокамасини кейинга қолдириш бўйича таклиф киритиш керак;
  12. 247-моддасига сайёр суд мажлисини ўтказилаётганда ҳал қилув қарорини қабул қилиш учун суднинг алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириш нормалари очиб берилиши керак;
  13. 276-моддасига суд мажлис баённомасига сайёр суд мажлисида иш юритилишини қўрсатувчи қоида киритилиши лозим;

#### **4.3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига:**

1. 116-117-моддаларига сайёр суд мажлиси чиқимлари бўйича нормани киритиш;
2. 127-128-моддаларida сайёр суд мажлислари ҳақида суд хабарномалари ва чақирувларини юбориш тартиби ҳақидаги норма киритиш лозим:



3. 162-163-моддаларидаги ишни сайёр суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича нормаларни киритиш лозим бўлади;
4. 163-моддага судьянинг ишни суд муҳокамасига тайёрлаш бўйича ҳаракатларидаги сайёр суд мажлиси юзасида қоида киритилишини;
5. 165<sup>1</sup>-моддасини янги таҳрирда, сайёр суд мажлис ҳақидаги тушунчани киритилиши лозим;
6. 167-моддасига сайёр суд мажлисидаги тартиб қоида нормаларини киритиш керак;
7. 169-моддасига ишда иштирок этувчи шахсларнинг сайёр суд мажлисларини ўтказиш ҳақидаги аризалари ва илтимосномаларини ҳал қилиши тартиби киритилиши лозим;
8. 171-моддасига сайёр суд муҳокамасини кейинга қолдириш ҳақидаги норма киритиш керак;
9. 175-моддасига сайёр суд ҳужжатини қабул қилиш учун суднинг алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириши тартиби ҳақида норма киритиш керак;
10. 201-202-моддаларидаги суд баённомасида сайёр суд мажлиси ҳақидаги нормани киритиш керак;

#### **4.4. Ўзбекистон Республикасининг айrim амалдаги қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартириш бўйича тавсиялар**

1. Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги 2013 йил 22 апрелдаги Қонуенининг 13-моддасидаги фуқаролар йифини кенгашининг ваколатлари қисмига қуйидаги таҳрирдаги янги хат бошларини киритишни:  
“Оилавий низоларни сайёр суд мажлисида кўрилишида судлар билан ҳамкорлик қиласида;



худудида кўриладиган сайёр суд мажлислариға аҳолисини вакилларини иштирок этишини таъминлаб беради;

сайёр суд мажлисини ўтказиш учун МФЙ худудидан бинони ажратилишида кўмаклашади; судга МФЙ да истеъқомат қилаётган шахслар ўртасида низолар судларда кўрилаётган вақтида низони МФЙ худудида сайёр суд мажлисида кўриб беришни илтимос қилиш;”

2. Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрдаги қонуннинг 11-моддасининг иккинчи қисмининг “бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда” жумласини “сайёр суд мажлисларида тартибларни сақлашда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда” жумласи билан алмаштиришни;
3. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратураси тўғрисида”ги 1992 йил 9 декабрдаги Қонуннинг 35-моддасининг 1-қисмидаги “судларда ишларни кўриб чиқиша” деган жумласини “судларда ва сайёр суд мажлисларида ишларни кўриб чиқиша” деган қўшимча киритишни;

#### **4.5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ҳамда Раёсат қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича тавсиялар**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қўйидаги қарорларига судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлислариға тайинлаш ва суд мажлисларини ўтказиш бўйича аниқ нормаларни киритиш тавсия этилади:

«Фукаролик ишлари бўйича суд ҳаражатларини ундириш амалиёти тўғрисида»ги 2009 йил 24 ноябрдаги



14-сон қарорининг нормалариға сайёр судда қилинган мутахассисларнинг ҳаражатларини ундириш масаласида;

«Биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги 2018 йил 19 майдаги 14-сон қарорининг нормалариға ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва суд мажлисида кўришни кўзда тутадиган қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш юзасидан;

«Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида»ги 2018 йил 24 августдаги 26-сон қарорининг нормалариға ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлашни кўзда тутадиган қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш юзасидан;

«Судлар томонидан фуқаролик ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги 2018 йил 30 ноябрдаги 33-сон қарорида апелляция ва кассация инстанцияларининг ишларини сайёр суд мажлисларига тайинлаш нормаларини киритишни бўйича;

«Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»даги 2019 йил 24 майдаги 12-сон қарорининг 7-банди иккинчи хат бошидаги “вақти ва жойи” жумласини, “вақти ва жойи (агар сайёр суд мажлиси бўлса, уни кўрсатиши)” жумлasi билан ўзгартирилишини;

«Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида» 2019 йил 24 майдаги 13-сон қарорининг 5-бандидан кейин 5<sup>1</sup>-бандни қўшиш ва унда ишни сайёр суд муҳокамасига тайёрлаш масалаларини ёртишни;

11-банди таҳририга сайёр суд мажлисига хабар бериш нормасини киритишни;

18-бандига, тарафларнинг ишни сайёр суд мажлисидаги кўриш бўйича илтимосномаларини ҳал этиш тартибини киритишни;

«Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги



2011 йил 20 июлдаги 6-сонли қарорининг 15-бандига янги таҳрирдаги, “тарафларни, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотларининг илтимосига асосан ишларни сайёр суд мажлислариiga тайинлаш мумкин” деган жумлани киритишни;

Шунингдек, сайёр суд мажлисиага тайинлаш ва сайёр суд мажлисида қўриш ҳақидаги нормаларни қуидаги Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумларига киритиш тавсия этилади:

“Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 2006 йил 27 январдаги 142-сонли;

“Қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш ва ердан фойдаланишдаги суистеъмолчиликларнинг олдини олишда хўжалик судларининг ролини ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 12 мартааги 115-сонли қарорларига.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги РС-09-17-сонли қарори билан тасдиқланган “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича Услубий тавсиялар”ни бекор қилиб, унинг ўрнига Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Республика судлари томонидан ишларни сайёр суд мажлислариiga тайинлаш ва уларни ташкил этиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида”ги қарорини қабул қилишни ва қарорда суд судьяларининг ишларни сайёр суд мажлислариaga тайёрлаш ва уни ўтказиш бўйича, сайёр судга бориш ва келишни ташкил этиш, сайёр суд мажлислариaga қўриқчиларни ва иштирокчиларни жалб этиш тартиби, сайёр суд ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатларни ундириш ва сайёр суд мажлисини якунида суд қарорларини эълон қилиш тартиб тамоийли юзасидан аниқ нормалар киртиш тавсия этилади.



#### **4.6. Ўзбекистон Республикаси Олий суд билан Республика вазирлик ва қўмиталари билан имзоланган Қўшма кўрсатмаларга қўшимча ва ўзгартириш киритиш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Кўриқлаш бош бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси таркибиغا ўтказиш ҳақидаги 2019 йил 3 июлдаги 555-сон қарорининг 1-иловасига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг қўриқлаш хизмати ҳақида НИЗОМ”нинг 2-бандидаги “идоравий қўриқлаш тушунчасидаги “республика давлат ва хўжалик...“ деган жумласини **“республикаси судлари, давлат ва хўжалик”** деган жумла билан алмаштиришни;

Низомнинг 22-бандига қўйидаги таҳрирдаги янги хат бошини киритишни:

**“судлар томонидан ўтказиладиган сайёр суд мажлисларида тинчликни сақлаш орқали;”**

Шунингдек ҳозирда ўз кучини йўқотган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Олий суд билан келишилган ҳолда қабул қилинган «Судга келишдан бош тортган шахсларни мажбурий келтириш бўйича суд топшириқларини ижро этиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2007 йил 12 январдаги қарорини судлар томонидан сайёр суд мажлисларини ўтказишдаги нормаларини киритган ҳолда Миллий гвардия билан янги таҳрирда қабул қилишни;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармонига асосан



ташкил этилган Хотин-қизлар қўмиталари ҳамда Оила марказларининг кейинчалик Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган Уставларига судлар билан ҳамкорлик қилиш ва сайёр суд мажлисларини ташкил этишда қўмаклашиш бўйича нормани киритишни, шунингдек Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Оила маркази ҳамда уларнинг вилоят ва туман бўлимлари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Келишувларни тузиш, мазкур келишувларда Хотин-қизлар қўмиталари, Оила марказлари ва уларнинг тармоқ бўлимларининг худудий судларга сайёр суд мажлисларини ташкил этишда, ушбу суд мажлисларига кенг жамоатчиликни жалб этишда қўмаклашишларини белгилаб қўйилишини;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида тузилган Келишувларни такомиллаштирган ҳолда ишларни сайёр суд мажлисларда кўрилишида кенг жамоатчилик ва аҳоли вакилларини жалб этишга қўмаклашиш шартлари киритилган Келишувларни Республика “Нуроний” ва “Маҳалла” жамғармалари, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоа бирлашмалари билан ҳам имзолашни;

Судлар томонидан сайёр суд мажлисларини ўтказиш жойларига бориб келиш учун транспорт воситаси билан таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суд хузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаменти қошида “Вилоят судлари навбатчи машиналари”ни ташкил этиш бўйича ва “Навбатчи машиналардан фойдаланиш тартиби ҳақидаги Низом”ни ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаменти тегишли худуд туман ҳокимлари, МФЙ ва бошқа ташкилотлари билан сайёр суд мажлисларини ўтказиш учун ажратиш мумкин бўлган бинолар ва худудлар рўйхати, уларнинг манзиллари ҳамда биноларнинг сайёр суд мажлисларини ўтказиладиган хоналарига қўйиладиган талаб (электр энергиясини узулуксиз бўлиши, иссиқлик тизимини ишлаши, тиббиёт



ходимларини бўлишлиги) ва жиҳозлар ҳақидаги Ҳамкорлик Келишувини имзолашини;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли шахар ва туман бўлимлари билан судлар томонидан сайёр суд мажлислари ўтказиладиган худудларни қўриқлаш ишларини ташкил этиш бўйича шартномалар тузиш, шартнома шартларида қўриқчилар сони ва мажлиснинг ўтказиладиган даврийлиги, шунингдек Миллий гвардия ходимларини сайёр суд мажлисларига жалб этиш қоидаларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонининг бажарилиши асосан Адлия вазирлиги тизимидағи бўлимларга юклатилганлиги, шунингдек судларни ишларни сайёр суд мажлисларида ўтказилишининг асосий мақсади аҳолини ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилганидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ўтказиладиган сайёр суд мажлислари орқали аҳолини ҳуқуқий маданиятини ошириш, суд қарорларини шаффофлигини таъминлашга қаратилган ўзаро ҳамкорлик Келишувини тасдиқлаш, Келишувнинг асосий мақсадларидан бири этиб Адлия бўлимлари томонидан сайёр суд мажлисларига тегишли худудда истеъқомат қилаётган аҳолини жалб этиш вазифасини белгилашни;

Ўзбекистон Республикаси Олий суд томонидан судьяларни сайёр судларини ўтказишда қулайлик туғдириш учун мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида “Ишларни сайёр суд мажлисларига тайинлаш ва уларни ўтказиш юзасидан ТАВСИЯНОМА” ишлаб чиқиб, барча сульяларга тарқатишни;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги судлар фаолиятини таъминлаш департаменти томонидан



Республикани барча вилоятлари судларига автобуслар олиб берилишини ҳамда ажратилган автобус салонларини суд мажлисини ўтказишга мослаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан судларнинг оммавий ахборот воситалар билан ўзаро ҳамкорликларини тартибга солувчи Низом ишлаб чиқиш лозим;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан Ўзбекистон Релерадио комитети ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув имзолаш;

Вилоят судларида барча судларга ҳизмат кўрсатадиган матбуот котиби штат бирлигини жойи этиш тавсия этилади.



## V-БОБ

СУДЛАР ТОМОНИДАН САЙЁР СУД  
МАЖЛИСЛАРИНИ ҮТКАЗИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БҮЙИЧА  
АМАЛДАГИ ҚОНУН ВА НОРМАТИВ-  
ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА ҚҰШИМЧА  
ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ  
БҮЙИЧА

## ТАКЛИФЛАР







## 5.1. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича

### ФИКРЛАР

Мазкур лойиҳа билан ишлаш даврда суд-хуқуқ соҳасида узоқ йиллар мобайнида амалиётда ишлаб келаётган судьялар ҳамда процессуал қонунчилик муаммолари билан ишлаб келаётган олимлар билан бўлган сұхбатларда ишларни суд мухокамасига тайинлаш ҳамда суд мажлисларида кўрилиши бўйича мавжуд қонун ва норматив-хуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлари ўрганилганда, икки ҳилдаги таклифлар келиб тушди, хусусан:

**Биринчи фикр:** Ишларни сайёр суд мажлислариға тайинлаш ва сайёр суд мажлисида кўриш бўйича нормаларини қонун ва қонун ости ҳужжатлариға нормалар киритиш лозимлигини, қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши судьяларга қатор қулайликлар ва имкониятлар яратилишини ва улар ишларни сайёр суд мажлисида кўришда қандай ҳаракатларни амалга оширишларини белгилаб бериш билан бир вақтида, кенг жамоатчилик ва аҳоли вакиллариға сайёр суд мажлислари ҳақидаги тушунчаларини, сайёр суд мажлисларини ўтказишдан қилинган асосий мақсад хуқуқий маданиятни оширишга қаратилганлиги, сайёр суд мажлисларида суд мажлисини ва қабул қилинадиган қарорларини шаффоғлигини таъминлаш ҳизмат қилишини таъкидлайдилар;

**Иккинчи фикр:** Ишларни сайёр суд мажлислариға тайинлаш ва уларни сайёр суд мажлисларида кўриш давр талаби эканлиги, агар аҳолини хуқуқий маданияти ва онги ривожланган сари ҳамда медиация институтларининг кенг кўламда қўлланилиши бошланса, судьялар томонидан ишларни сайёр суд мажлислариға тайинлашлариға эҳтиёж кўп бўлмаслигини, шунинг учун амалдаги Процессуал



кодексларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш шарт эмаслигини, фақат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2017 йил 24 июндаги РС-09-17-сонли қарори билан “Сайёр суд мажлисларини ўтказиш бўйича Услубий тавсиялар”ни қайта алоҳида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш муаммолар ҳақида”ги Пленум қарори этиб қабул қилиш етарли эканлигини таъкидлайдилар.

Мазкур келтирилган ҳар қайси фикрларга қайсиdir маънода қўшилиш мумкин, агар фақат Раёсат қарорини такомиллаштириш билан чекланадиган бўлинса, у ҳолда судьяларни ишларни сайёр суд мажлисларида кўришда вужудга келаётган муаммоларнинг катта қисми ҳал этилмасдан қолиб кетишлиги кўриниб турибди. Агар қонунларга қатъий нормаларни киритиладиган бўлса (ишларни камида 30 фоизини сайёр суд мажлисларида кўриш), у ҳолда келажакда кутилаётган ижобий ўзгаришлар, яъни аҳолининг хуқуқий маданиятини юксалиши ҳамда медиация институтларининг ривожланиши сайёр судларни ўтказишга бўлган талабни камайтириши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам судлар томонидан ишларни сайёр суд мажлисларида кўришларига бўлган эхтиёж умуман йўқ бўлмаслигини эътиборга олган ҳолда, қонун ва норматив-хуқуқий хужжатларга қатъий сайёр суд мажлисларини фоизларини кўрсатмаган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритишини мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Шунинг учун қуйидаги жадвалларда тақдим этилаётган Кодекс ва қонун нормаларига киритилиши тавсия этилаётган нормалар судьяларнинг сайёр суд мажлисини ташкил этишдаги муаммоларини тўлиқ бартараф этмасада, лекин судьяларнинг мазкур ишларни ташкил этишларида катта кўмак беради ва йўналишларни кўрсатади деган умиддамиз.

Юқоридаги фикрларда келиб чиқиб, қуйида бир қатор процессуал кодексларга ҳамда қонунларга аниқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тавсия этилади.



## 5.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича

### ТАКЛИФЛАР

| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф этилаётган таҳрири  | Асос   |
|------|---------------|---|--|
| 1    | Янги таҳрирда | <p>31-модданинг иккинчи хат бошига янги таҳрирдаги 4-бандни киритишини:</p> <p><b>4) ишда иштирок этувчи тарафлардан ишни сайёр суд мажлисида кўриш учун таклиф тушса ва сайёр судни ўтказиш жойи бошқа суд юрисдикциясига тегишли бўлиб қолса.</b></p> | <p>Суднинг хизмат кўрсатиши юрисдикцияси бир неча аҳоли яшайдиган туман худудларига тегиш-ли бўлиб, айрим вақтда тарафлар низолашётган обьект кўшни туман худудида жойлашган бўлишлiği ва сайёр суд мажлисини ўтказиш кўшни туман худудига тегишли бўлиб қолган ҳолатлари кўп учраб турибди. Шунга кўра, судга шундай ҳолатда бошқа судга ўтказиш ваколати берилиши дозим.</p> |
| 2    | Янги таҳрирда | <p>55-моддасига қўйидаги таҳрирда иккинчи хат бошини киритишини:</p> <p><b>Суд мажлис котиби ишларни суд мажлисида ёки сайёр суд мажлисида кўриш юзасидан суд мажлиси иштирокчиларига хабарномаларни юборади.</b></p>                                   | <p>Суд ишларини суд мажлисларига тайинлан-гандан кейин тарафларга иш суд биносида ёки сайёр суд мажлиси бўлишлiği ҳақида олдин-дан ҳабардор қилинишини таъминлайди.</p>  |



| Т.р. | Эски таҳрири   | Янги таклиф этилаётган таҳрири   | Асос   |
|------|--|--|--|
| 3    | Янги таҳрирда  | 117-моддаси 2-қисмига янги таҳрирдаги 7-бандни киритишини:<br><b>7) Тарафлардан ишни сайёр суд мажлиси муҳокамасига тайинлаш ҳақида илтимоснома келиб тушганда, агар ишни сайёр суд мажлисида кўриш биноси аниқланмаган бўлса;</b> | Суд процессининг ҳар қандай вақтида тарафлардан ёки процесс иштирокчиларидан суд муҳокамасини сайёр суд мажлисида ўтказиш талаб этилганда, агар сайёр суд мажлисини ўтказиш жойи ва биноси аниқ бўлмаса, аниқлангунга қадар иш юритишни тўхтатиб туриш лозим бўлади; |
| 4    | 118-модданинг 11-банди:<br>11) ушбу Кодекс 117-моддасининг 7- банди-да назарда тутилган ҳолларда тўхтатиб турилади.      | 118-модданинг 11-банди қўйидаги янги таҳрирда берилишини:<br><b>11) ушбу Кодекс 117-моддасининг 7- бандида назарда тутилган ҳолларда — сайёр суд мажлиси ўтказиш биноси ва худуди аниқлангунга қадар тўхтатиб турилади.</b>        | Суд мажлисини сайёр мажлислан ўтказиш жойи аниқлаб бўлгандан кейингина тарафларни сайёр суд мажлиси ўтказиладиган худуд ва бино ҳақида хабардор қилинади, акс ҳолда ишни кўриш муддати бузилиши мумкин.  |
| 5    | 132-моддасининг 1-банди:<br>1) гувоҳларга, эксперт-ларга, мутахассисларга, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар; | 132-модданинг 1-банди қўйидаги янги таҳрирда баён этилсин:<br><b>1) гувоҳларга, эксперт-ларга, мутахассисларга, таржи-монларга, ишни сайёр суд мажлисида кўриш билан боғлиқ ҳаражатлар тўланиши лозим бўлган суммалар;</b>         | Судья томонидан сайёр суд мажлисини ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатлар тарафлардан ундирилиши белгиланиш лозим;   |
| 6    | 135-моддаси таҳрир Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассисларга, таржи-монларга тўланиши лозим бўлган                         | 135-моддаси қўйидаги янги таҳрирда баён этилишини:<br>Гувоҳлар, экспертлар ва мутахассисларга, таржи-монларга, сайёр суд ўтказилганлиги учун тўланиши лозим бўлган   | Ишларни сайёр суд мажлисларида кўрилганлик бўйича чиқимлар Олий суд томонидан белгиланиши лозим;   |



| Т.р. | Эски таҳрири   | Янги таклиф этилаётган таҳрири   | Асос  |
|------|--|--|---|
|      | суммалар ёки жойида кўздан кечиришни ўтказишга доир харажатлар учун зарур бўлган суммалар тегишили илтимоснома билан мурожаат қилган тараф томонидан суднинг депозит ҳисобварағига олдиндан киритилади.  | суммалар ёки жойида кўздан кечиришни ўтказишга доир харажатлар учун зарур бўлган суммалар тегишили илтимоснома билан мурожаат қилган тараф томонидан суднинг депозит ҳисобварағига олдиндан киритилади.  |   |
| 7    | Янги таҳрирда  | 143-моддасига янги таҳ-рирда 4-банд қиритилсин:<br><b>4) сайёр суд мажлислари ўтказилаётган бино ёки худуддан чиқариб юбориши;</b>   | Аксарият ҳолатларда ўтказилаётган сайёр суд мажлислари ўтказил-аётган бино ёки худудда тарафлардан бири но-тинчлик ва жанжаллар келтириб чиқшига ҳаракат қиласи.  |
| 8    | 156-модданинг 1-қисми таҳрири: Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва гувоҳлар суд чақирув қофозлари, зарур ҳолларда эса буюртма хатлар, телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали суд ва сайёр суд мажлисига чақирилади | 156-модданинг 1-қисми куйидаги таҳрирда баён қилинсин:<br><b>Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва гувоҳлар суд чақирув қофозлари, зарур ҳолларда эса буюртма хатлар, телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали суд ва сайёр суд мажлисига чақирилади</b> | Суд мажлисларини олдиндан сайёр суд маэжлисига тайинланганини тарафлар билишлари ва суд чақирув хабарномалари сайёр суд мажлисига етиб боришлигини имкониятларини эътиборга олган холда тайинланиш имконини беради. |



| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги тақлиф этилаётган таҳрири  | Асос  |
|------|---|---|---|
|      | таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга чақирилади ҳамда суднинг айrim процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинади. | ҳамда суднинг айrim процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинади.   |   |
| 9    | Янги таҳрирда   | 201-модда 2-қисмига кўйи-даги таҳрирдаги еттинчи ъзат боши киритилишини:<br><b>ишни сайёр суд мажлисига тайинлаш ёки тайинламаслик масала-сини аниқлаш;</b>                                     | Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш вақтингиз ўзида сайёр суд мажлисини ўтказиши ёки ўтказмаслик масаласини ҳал этиши, ишни сансалорчиликка йўл қўймаслигига, тарафларни ўз вақтида суд мажлиси ўтказиладиган жойга етиб боришига сабабчи бўлади.<br>Судья томонидан қайси низоларни сайёр суд мажлисига тайинлаш мумкин эмаслигини билган ҳолда, мазкур масалага олдиндан ойдинлик киритиши суд ишларини асоссиз қолдирмасликни олдини олади. |
| 10   | Янги таҳрирда   | 205-моддага янги таҳрир-даги иккинчи қисм киритилишини:. Судья agar ишни сайёр суд мажлисида кўришни лозим деб топса, ишни суд мажлисида муҳокамага тайинлаш тўғрисидаги ажримда бу ҳақида кўр- | Судья томонидан ишларни сайёр суд мажлиси муҳокамасига тайинлаш ҳақида албаттa ажримда кўрсатиши, шунингдек сайёр суд мажлиси бўладиган худудни ва жойни суд мажлисини ўтказиш  |



| Т.р. | Эски таҳрири   | Янги таклиф этилаётган таҳрири   | Асос   |
|------|--|--|--|
|      |  | <b>сатиши ҳамда ишни сайёр суд мажлисида кўрадиган жой ва суд мажлисида қатнашувчи жамоат-чиликка хабар бериш юзасидан кўрсатмалар беради.</b>   | имкониятларини ўрганиши, шунингдек суд мажлисида иштирок этадиган жамоатчилик вакилларини аниқлаши ва уларни таклиф этиш чораларини кўриши лозим.  |
| 11   | 206-модданинг 1-бинди:<br>1) судьяга келиб тушган аризаларни ўрганади ва уларни кўриш юзасидан таклифлар киритади, суд ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди; | <b>206-модданинг 1-банди қуидаги янги таҳрирда баён қилишини:</b><br><b>1) судьяга келиб тушган аризаларни ўрганади ва уларни суд биносида ёки сайёр суд мажлисида кўриш юзасидан таклиф-лар киритади, суд ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди;</b> | Ариза келиб тушиб, судья фуқаролик ишини қўзғатиб, уни иш юритувига қабул қилгандан кейинги ҳаракати уни суд муҳокамасига тайёрлаш бўлиб, шу жараён мобайнида ишни суд биносида ёки сайёр суд биносида кўриш аниқланиб олиниши, ишни ўз вақтида тайинланishiiga ҳамда суд иштирокчиларига суд муҳокамаси ҳақидаги хабарларни ўз вақтида етказиш имконини беради. |
| 12   | 208-модданинг 1-қисми:<br>Иш муҳокамаси ишда иштирок этувчи шахсларни албатта хабардор қилган ҳолда суднинг очиқ мажлисида ўтади.                          | <b>208-модданинг 1-қисми қуидаги янги таҳрирда баён этилсин:</b><br><b>Иш муҳокамаси ишда иштирок этувчи шахслар-ни албатта хабардор қилган ҳолда суднинг биносида ёки сайёр суд мажлиси ўтказиш учун тайинланган бинода очиқ мажлисида ўтади.</b> | Судья томонидан ўтказиладиган суд мажлисини қаерда ўтказилиши катта аҳамиятга эга, шунингдек судья ишларни сайёр суд мажлисида кўриши мумкинлигини нормага солиб беради.   |
| 13   | Янги модда   | <b>208<sup>1</sup>-модда. Сайёр суд мажлиси ўтказиш<br/>Сайёр суд мажлиси мазкур суд биносидаги</b>  | Қонун нормасида ишларни сайёр суд мажлислирида кўриш тартиби бўлиши,   |



| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф этилаётган таҳрири  | Асос   |
|------|---|---|--|
|      |   | <p>залидан ташқаридаги ҳар қандай бинода, хусусан бошқа суд биносида, жамоатчилик ва аҳоли қатлами кўп яшайдиган ёки ишлайдиган худуддаги бинолар ва бошқа маҳсус жойларда ўтказилиши мумкин. Сайёр суд мажлисини ўтказища суд биносида ўтказиладиган суд мажлисини ўтказишига бўлган талаблар кўйланилади.</p>   | <p>қолаверса судья сайёрга суд мажлисини амалга оши-риш бўйича нормаларни билиши зарурлигидан келиб чиқиб тавсия этилмоқда. Бундан ташқари сайёрга суд мажлисларини бошқа суд биносида ўткази-лишини сайёрга суд мажлиси бўлишилиги юзасидан ҳам турли фикрларни бартараф этади.</p>       |
| 14   | 219-модда<br>Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни муҳокама қилиш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича илтимосномалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикр-мулоҳазалари эшитилганидан кейин суднинг ажрими билан ҳал қилинади. | <p>219-модда қуйидаги янги таҳрирда баён этилсин:<br/><b>Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни сайёрга суд мажлисига тайинлаш ҳақидаги, янги далил-ларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ва ишни муҳокама қилиш билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича илти-мосномалари ишда ишти-рек этувчи бошқа шахсларнинг фикр-мулоҳазалари эшитил-ганидан кейин суднинг ажрими билан ҳал қилинади.</b></p> | <p>Суд процессининг иштирокчилари судья тарафларни музокара сўзларини эшитишига ўтгунга қадар суд муҳокамасини сайёрга суд мажлисида ўтказиш ҳақидаги илтимосномасини бериш хукуқини мустаҳкамлаш, ишларни шаффоғлиги ва қарорларнинг адолатлилигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин.</p> |

| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф этилаётган таҳрири   | Асос   |
|------|---------------|--|--|
| 15   | Янги таҳрирда | 223-моддасига янги таҳрирдаги 13-банд киритилишини:<br><b>13) ишни сайёр суд мажлисида кўриш учун тайинланганда</b>  | Судъя суд муҳокамасини иштирокчиларнинг илтимосига асосан қолдирганда, албатта ишни сайёр суд мажлиси кўрилиши мумкин бўлган вақтни белгилаши керак ёки ишни вақтинча тўхтатган ҳолда тараф-ларга ва суд процессининг бошқа иштирокчиларига сайёр суд мажлиси жойи ва суд мажлиси ўтказиладиган бино ва унинг хонаси аниқ бўлгандан кейингина суд муҳокамасини ўтказиш ҳақида хабардор қилиши керак. |
| 16   | Янги таҳрирда | 247-моддага янги таҳрир-даги иккинчи қисм билан тўлдириш ҳақида:<br><b>Суд муҳокамаси сайёр суд мажлисида ўтказилган ҳолларда бинода маҳсус маслаҳатхона учун жой тайёrlанади.</b> | Аксарият сайёр суд мажлислари ўтказиладиган биноларда маслаҳатхонага чиқиш имкони йўқ, судъялар суд мажлиси ўтказилган хонада қолиши суд мажлисининг иштирокчилари учун нокулайликлар келтириши мумкин, шунинг учун бинода имкониятдан келиб чиққан ҳолда алоҳида маслаҳатхона тайёrlаниши лозим.  |



| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф этилаётган таҳрири  | Асос   |
|------|---------------|---|--|
| 17   | Янги таҳрирда | 276-моддага янги мазмун-даги иккинч ҳат боши киритишни:<br><b>Суд мажлислари сайёр суд мажлисида ўтказилган ҳолатлар суд мажлис баённомасида кўрсатилади.</b> | Амалиётда суд мажлиси котиблари томонидан баённома юритишида сайёр суд мажлисида ўтказил-ганлиги кўрсатилмасдан қолган ҳоллар мавжуд, шуни олдини олиш мақсадида суд мажлис баённомасида сайёр суд мажлиси ўтказилганлиги кўрсатилиши лозим. |

### 5.3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича

#### ТАКЛИФЛАР

| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф этилаётган таҳрири  | Асос  |
|------|---------------|---|---|
| 1    | Янги таҳрирда | 39-моддасига куйидаги мазмундаги 3-бандни киритиши:<br><b>3) ишда иштирок этувчи тарафлардан ишни сайёр суд мажлисида кўриш учун таклиф тушса ва сайёр судни ўтказиш жойи бошқа суд юрисдикциясига тегишли бўлиб қолса;</b> | Иқтисодий судларнинг хизмат кўрсатиши юрисдикцияси бир неча аҳоли яшайдиган туман худудларига тегишли бўлиб, айрим вақтда тарафлар низолашаётган обект қўшни туман худудида жойлашган бўлишилиги ва тарафлар илтимос қилаётган сайёр суд мажлисини ўтказиши қўшни туман худудига тегишли бўлиб қолган ҳолатлари кўп учраб туриди. |



| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф этилаётган таҳрири   | Асос  |
|------|---|--|---|
| 2    | Янги таҳрирда   | 102-моддага янги таҳрирда янги 5-банд киритилишини:<br><b>5) тарафлардан ишни сайёр суд мажлисида кўриш бўйича илтимоснома келиб тушганда.</b>   | Судга тарафлардан ишни сайёр суд мажлисида кўриш ҳақида илтимоснома келиб тушса ва ушбу илтимоснома қаноатлантирилган ҳолларда судья ишни сайёр суд мажлисига иаймнлаш учун қолдириши мумкин. Ишни тўхтатиб кўйилишига сабаб суд мажлисини сайёр суд мажлиси ўтказиладиган бино аниқлаш чўзилиб кетган ҳолларда ишни кўриш муддати бузилиши мумкин. |
| 3    | 116-модданинг 1-қисми:<br>Суд чиқим-лари суд хабарномалари ва суд ҳужжат-ларини юбориш билан боғлиқ почта харажат-ларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақириш, далилларни жойида кўздан кечириш, суд мажлисини видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажат-лардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ почта харажат-лардан иборатdir. | 116-модданинг 1-қисмини куйидаги янги таҳрирда баён этишини:<br><b>Суд чиқимлари суд хабарномалари ва суд ҳужжатларини юбориш билан боғлиқ почта харажатларидан, суд тайинлаган экспертизани ўтказиш, гувоҳни чақи-риш, далилларни жойида кўздан кечириш, сайёр суд мажлислинини ўтказиш, суд мажлисини видеоконференц-алоқа режимида ўтказиш билан боғлиқ харажатлардан, шунингдек ишни кўриш билан боғлиқ почта харажатлардан иборатdir.</b> | Суд томонидан ёки судга таклиф этилган мутахассис ва бошқа кўмаклашувчи шахсларнинг харажатларини қоплаш кўзда тутилиши лозим.  |



| Т.р. | Эски таҳрири   | Янги таклиф этилаётган таҳрири  | Асос   |
|------|--|---|--|
| 4    | 117-модданинг 1-қисми:<br>Экспертлар, мутахассис-лар, гувоҳлар ва таржимонларга судга келиш билан боғлиқ бўлган йўлкира, хона ижараси бўйича харажатларнинг ўрни қопланади ва кундалик харажатлар учун ҳақ тўланади.   | 117-модданинг 1-қисми куйидаги янги мазмунда байн этилсин:<br><b>Экспертлар, мутахассис-лар, гувоҳлар ва таржимонларга судга келиш ёки сайёр суд мажлисига бориш билан боғлиқ бўлган йўлкира, хона ижараси бўйича харажатларнинг ўрни қопланади ва кундалик харажатлар учун ҳақ тўланади.</b>   | Суд томонидан суд харажатларини ундиришда албатта сайёр суд мажлисига қилинган сарф-харажатларни ундириш белгиланиши лозим.  |
| 5    | 127-моддаси таҳрири:<br>Ишда иштирок этувчи шахслар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида суд ажрими орқали хабардор қилинади, ажрим топширилганлиги маълум қилинадиган буортма хат орқали юборилади ёки ушбу шахсларга тилхат олиб топшири-лади ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлай-диган алоқа воситаларидан фойда-ланган ҳолда хабардор қилинади.<br>Иқтисодий | 127-моддаси куйидаги янги таҳрирда баён этилсин:<br><b>Ишда иштирок</b> этувчи шахслар суд муҳокамаси-нинг ўз биносида ёки сайёр суд мажлисида ўтказилиши вақти ва жойи тўғрисида суд ажрими орқали хабардор қилин-ади, ажрим топширил-ганлиги маълум қилин-адиган буортма хат орқали юборилади ёки ушбу шахсларга тилхат олиб топширилади ёхуд хабардор қилинганлиги факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситаларидан фойда-ланган ҳолда хабардор қилинади. <b>Иқтисодий суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ажрим орқали, зарур ҳолларда эса суд чақирув</b> | Судья ишни суд биносида ёки сайёр суд мажлисига тайёрлаган-лигини олдиндан тарафлар ва ишда иштирок этувчиларига хабар бершиллиги уларнинг суд муҳокама-сига ўз вақтида келишларини таъмин-лашга хизмат қиласди. |



| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф этилаётган таҳрири  | Асос  |
|------|---|---|---|
|      | суд ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари ажрим орқали, зарур ҳолларда эса суд чақирув қоғозлари, телеграммалар, факслар, телетайплар ҳамда бошқа алоқа воситалари орқали хабардор қилинади ва судга чақирилади.  | <b>қоғозлари,</b><br><b>телеграммалар,</b><br><b>факслар, телетайплар</b><br><b>ҳамда бошқа алоқа</b><br><b>воситалари орқали</b><br><b>хабардор қилинади ва</b><br><b>судга чақирилади.</b>  |   |
| 6    | 162-моддаси 1-қисми: Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқаради, унда ўзи ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, ушбу ҳаракатлар амалга оширилиши керак бўлган муддатлар, суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади. | 162-моддасининг 1-қисми кўйидаги янги таҳрирда баён этилсин:<br><b>Судья ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида ажрим чиқа-ради, унда ўзи ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, ушбу ҳара-катлар амалга оширилиши керак бўлган муддатлар, суд муҳокамасини ўз биносида ёки сайёр суд мажлисида ўтказиш вақти ва жойи кўрсатилади.</b> | Судья ишни суд биносида ёки сайёр суд мажлисига тайёрлаганligини олдиндан аниқ белгилаши тарафларнинг суд муҳокамасига ўз вақтида келишларини таъминлашга хизмат қиласди. |



| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф этилаётган таҳрири   | Асос   |
|------|---|--|--|
| 7    | 165-моддасининг 1-қисми:<br>Иш муҳокамаси суд мажлисида амалга оширилади.<br>Суднинг мажлиси видеоконференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин. | 165-моддасининг 1-қисми қуидаги янги таҳрирда баён этилсин:<br>Иш муҳокамаси суд мажлисида ўз биносида ёки сайёр суд мажлиси тайинланган бинода амал-га оширилади.<br>Суднинг мажлиси видео-конфере-нцалоқа режимида ўтказилиши мумкин.  | Суд мажлисини сайёр суд мажлисида ўтказиш мумкинлигини аниқ кўрсатилиши керак.   |
| 8    | Янги таҳрирдаги модда   | <b>165<sup>1</sup>-модда. Сайёр суд мажлиси ўтказиш</b><br><b>Сайёр суд мажлиси мазкур суд биносидаги залидан ташқаридаги ҳар қандай бинода, хусусан бошқа суд биносида, жамоатчилик ва аҳоли қатлами кўп яшайдиган ёки ишлайдиган худуддаги бинолар ва бошқа маҳсус жойларда ўтказилиши мумкин.</b><br><b>Сайёр суд мажлисини ўтказишида суд биносида ўтказиладиган суд мажлисини ўтказишига бўлган талаблар қўлланилади.</b> | Конун нормасида ишларни сайёр суд мажлисларида кўриш тартиби бўлиши, қолаверса судья сайёр суд мажлисини амалга ошириш бўйича нормаларни билиши зарурлигидан келиб чиқиб тавсия этилмоқда.<br>Бундан ташқари сайёр суд мажлисларини бошқа суд биносида ўтказил-ишини сайёр суд мажлиси бўлишлиги юзасидан ҳам турли фикрларни бар-тараф этади. |
| 9    | Янги таҳрирда   | 167-моддаси янги 6-хат.боши билан тўлдирилсин:<br><b>Сайёр суд мажлисини олиб борища ҳам суд мажлисини олиб бориши-нинг умумий қоидалари қўлланилади.</b>  | Судъялар ҳамда суд муҳокамасининг ишти-рекчилари томонидан сайёр суд мажлисларини олиб борища ҳам умумий суд мажлисини олиб бориш қоидалар қўлланилишини билишлари керак.  |



| Т.р. | Эски таҳрири   | Янги таклиф этилаётган таҳрири  | Асос   |
|------|--|---|--|
| 10   | 169-моддаси:<br>Ишда иштирок этувчи шахсларнинг янги далилларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳамда иш муҳокамаси билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрлари суд томонидан эшишиб бўлинганидан кейин ҳал қилинади. | 169-моддаси қўйидаги янги таҳрирда баён этилсин:<br><b>Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ишни сайёр суд мажлисида ўтказиш ҳақидаги, янги далил-ларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳамда иш муҳокамаси билан боғлиқ бошқа барча масалалар бўйича аризалари ва илтимосномалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг фикрлари суд томонидан эшишиб бўлинганидан кейин ҳал қилинади.</b> | Ишда иштирокчилар судья ишни тайин-лангунга қадар ишни сайёр судда кўриш ҳақида асослантирилган илти-моснома киритиш хуқуқ-лари мустаҳкамланиши лозим.   |
| 11   | Янги таҳрирда  | 171-моддаси қўйидаги янги 11-хат боши билан тўлдирилсин:<br><b>суд процесси иштирок-чиларидан ишни сайёр суд мажлисида кўриб бериш ҳақида илтимоснома келиб тушган тақдира;</b>   | Судья ишни суд мажлисида кўришнинг ихтиёрий босқичида суд мажлиси иштирокчилари-дан ишни сайёр суд мажлисида кўриш ҳақида илтимос келиб тушиши мумкин.   |
| 12   | Янги таҳрирда  | <b>175-моддасига янги 2-қисм билан тўлдиришни:</b><br>Суд ишни сайёр суд мажлисида кўрган ҳолда бинода судьянинг маслаҳатга кириши учун хона тайёрланади.   | Аксарият ҳолатларда судьянинг маслаҳатхонада қолиши вақтида бинода бундай имконият бўлмас-лигини олдини олиш учун, алоҳида хона тайёрлаб кўйилиши керак. |



| Т.р. | Эски таҳрири   | Янги таклиф этилаётган таҳрири   | Асос  |
|------|--|--|---|
| 13   | 201-моддаси<br>Суд мажлисида,<br>шунинг-дек суд<br>мажлиси залидан<br>ташқарида<br>айрим процес-<br>суал ҳаракатлар<br>бажарил-ганда<br>баённома<br>юритилади. | <b>201-моддаси қуийдаги</b><br><b>таҳрирда баён этилсин:</b><br>Суд мажлисида,<br>сайёр суд мажлисида<br>шунингдек суд<br>мажлиси залидан<br>ташқарида айрим<br>процессуал ҳаракатлар<br>бажарилганда<br>баённома юритилади. | Суд мажлисларида<br>албаттa сайёр суд<br>мажлисини ўтказилиши<br>белгиланиши керак. |

#### **5.4. Ўзбекистон Республикаси амалдаги айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ТАКЛИФЛАР**

##### **Ўзбекистон Республикаси “Прокуратураси тўғрисида”ги қонунга**

| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф   | Асос  |
|------|---|---|---|
| 1    | 33-моддасининг<br>1-қисми<br>Фуқароларнинг,<br>корхона-лар,<br>муассасалар ва<br>ташкilotларнинг<br>хуқуқ-лари<br>ҳамда қонуний<br>манфаатлари<br>суд йўли билан<br>самарали ҳимоя<br>қилинишини<br>таъминлаш<br>мақсадида барча<br>инстанция<br>судларида ишлар<br>кўрил-аётганда<br>прокурор қонунда<br>белгиланган<br>тартибда<br>иштирок этади. | 33-моддасининг 1-қисми<br>куийдаги янги таҳрирда<br>баён этилсин:<br><b>Фуқароларнинг, корхо-<br/>налар, муассасалар<br/>ва ташкilotларнинг<br/>хуқуқ-лари ҳамда<br/>қонуний манфаатлари</b><br>суд йўли билан<br>самарали ҳимоя<br>қилинишини<br>таъминлаш мақсадида<br>барча инстанция<br>судларида ва сайёр<br>суд мажлисларида<br>ишлар кўрилаётганда<br>прокурор қонунда<br>белгиланган тартибда<br>иштирок этади. | Судлар томонидан<br>ишларни сайёр<br>суд мажлисларида<br>кўрилаётган вақтда<br>ҳамма вақт ҳам<br>прокурорлар сайёр<br>суд мажлисига<br>қатнашавер-майдилар,<br>шунинг учун мазкур<br>нормани киритилиши<br>прокурор-ларга<br>мажбурият юклайди. |

## Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунига

| Тр. | Эски таҳрири  | Янги таклиф   | Асос  |
|-----|---|---|---|
| 1   | 11-модданинг 2-қисми<br>Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфисизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий хукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидиришда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек хукуқбузарликлар профилактика- | 11-модданинг 2-қисми қўйидаги янги таҳрирда баён этилсин:<br><b>Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфисизлигини таъминлашда, жиноятлар ва маъмурий хукуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларни фош этишда, жиноят ишларини тергов қилишда, жиноятчиларни қидир-ишида, сайёр суд мажлис-ларила жамоатчилик тартибини сақлашда, бедарак йўқолганларнинг турган жойини аниқлашда, шунингдек хукуқ-бузарликлар профилак-тикасида ички ишлар органларига ўз ваколат-лари доирасида кўмаклашиши шарт.</b> | Ички ишлар органлари ҳам судларнинг ишларни сайёр суд мажлисларида кўришганда жамоатчилик тартибини сақлашда кўмаклашилари лозим. |



|  |  |  |  |
|--|--|--|--|
|  | сида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт. |  |  |
|--|--|--|--|

## **Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Конунига**

| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф  | Асос  |
|------|---------------|--|---|
| 1    | Янги таҳрирда | 13-моддасига қуйидаги янги таҳрирдаги 27-30-қисмлар киритилсин:<br><b>Оилавий низоларни сайёр суд мажлисида кўрилишида судлар билан ҳамкорлик қиласди;</b><br>тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар иштирокида кўриладиган сайёр суд мажлисларини ташкил қиласди;<br>сайёр суд мажлисини ўтказиш учун МФЙ ҳудудидан бинони ажра-тилишида кўмаклашади;<br>сайёр суд мажлисларини ташкил этиш бўйича судга илтимос киритиш; | Судлар томонидан сайёр суд мажлисларини ўтказ-ишида кенг жамоатчиликни жалб этишда судларда нокулайликлар туғдир-моқда.<br>Шунинг учун, сайёр суд мажлисларига ахолини жалб этишда МФЙнинг амалий ёрдами бўлиши жуда катта аҳамиятга эга. |



**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг  
айрим Пленум қарорларига ўзгартириш ва  
қўшимчалар киритиш бўйича**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
Пленумининг 2018 йил  
19 майдаги 14-сонли «Биринчи инстанция  
суди томонидан фуқаролик процессуал қонун  
нормаларини қўллашнинг айрим масалалари  
тўғрисида»ги қарорига**

| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф  | Асос  |
|------|---|--|---|
| 1    | 5-бандининг 1-хат боши:<br>Шуни назарда тутиш лозимки, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш фуқаролик процессининг муҳим босқичи бўлиб, бу ишнинг ўз вақтида, ҳар томонлама, холисона кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишини таъминлайди. | 5-бандининг 1-хат боши қўйидаги янги таҳрирда баён қилинсан:<br><b>Шуни назарда тутиш лозимки, ишни суд ёки сайдар суд муҳокамасига тайёрлаш фуқаролик процессининг муҳим босқичи бўлиб, бу ишнинг ўз вақтида, ҳар томонлама, холисона кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишини таъминлайди.</b> | Судлар томонидан сайдар суд мажлисларини тайёрлов босқичида тайинлаш имконини яратади ва тарафларга ҳам сайдар суд мажлимини бўладиган вақти ва жойи ҳақида хабар берилади. |
| 2    | Янги таҳрирда   | 5-бандига қўйдаги таҳрирда янги хат боши киритилсан:<br>ишлиарни сайдар суд мажлисида кўриш жойини аниқлаш ва тарафларни ўз вақтида сайдар суд мажлиси тайинланган худудга етиб борилишини таъминлаш;  |   |



|   |  |   |  |
|---|--|---|--|
| 3 | 11-банди<br>ФПК<br>156-моддасини-нг<br>биринчи қисмiga<br>мувофиқ ишда<br>иштирок этувчи<br>шахслар ва суд<br>процессининг<br>бошқа<br>иштирокчилари<br>суднинг айрим<br>процессуал<br>ҳаракатлари,<br>шунингдек ишни<br>кўриш вақти<br>ва жойи ҳақида<br>суд чақирув<br>қоғозлари, зарур<br>ҳолларда эса,<br>буортма хатлар,<br>телефоно-<br>граммалар,<br>телег-раммалар<br>ва хабардор<br>қилинганлик<br>факти қайд<br>этилишини<br>таъмин-лайдиган<br>бошқа алоқа<br>воситалари<br>орқали хабардор<br>қилинадилар.<br>Ишда иштирок<br>этувчи шахс<br>томонидан<br>электрон<br>почта манзили<br>кўрсатилган<br>бўлса, хабар<br>электрон ҳужжат<br>кўринишида<br>амалга<br>oshiрилади. | 11.-банди янги таҳрирда<br>баён қилинсин:<br><b>ФПК 156-моддасини-нг биринчи қисмiga<br/>мувофиқ ишда<br/>иштирок этувчи<br/>шахслар ва суд<br/>процессининг бошқа<br/>иштирокчилари<br/>суднинг айрим<br/>процессуал<br/>ҳаракатлари,<br/>шунингдек ишни<br/>судда ёки сайёр суд<br/>мажлисида кўриш<br/>вақти ва жойи ҳақида<br/>суд чақирув қоғозлари,<br/>зарур ҳолларда эса,<br/>буортма хатлар,<br/>телефонограммалар,<br/>телег-раммалар ва<br/>хабардор қилинганлик<br/>факти қайд этилишини<br/>таъминлайдиган бошқа<br/>алоқа воситалари<br/>орқали хабардор<br/>қили-надилар. Ишда<br/>иштирок этувчи шахс<br/>томонидан электрон<br/>почта манзили<br/>кўрсатилган бўлса,<br/>хабар электрон ҳужжат<br/>кўринишида амалга<br/>oshiрилади.</b> | Ишни сайё суд<br>мажлисига тайинлаш<br>имкониятини келтириб<br>чиқаради ва тарафларга<br>ўз вақтида хабар<br>берилади. |
| 4 | 18-банди<br>Ишда иштирок<br>этувчи шахслар<br>томонидан янги   | 18-банди қуйидаги<br>таҳрирда баён қилинсин:<br><b>Ишда иштирок этувчи<br/>шахслар томонидан,</b>   | Ишни сайё суд<br>мажлисига тайинлаш<br>имкониятини келтириб<br>чиқаради ва тарафларга                                  |



|  |  |                            |
|--|--|----------------------------|
| далилларни талаб қилиб олиш, иш муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги ва иш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича илтимос-номалар бевосита улар арз қилинганидан сўнг суд процесси бошқа иштирокчиларининг фик-ри инобатга олинган ҳолда, ажрим чиқариш йўли билан ҳал қилинади. | ишни сайёр суд мажлисида қўриш, янги далилларни талаб қилиб олиш, иш муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисидаги ва иш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича илтимосномалар бевосита улар арз қилинганидан сўнг суд процесси бошқа иштирокчиларининг фик-ри инобатга олинган ҳолда, ажрим чиқариш йўли билан ҳал қилинади. | ўз вақтида хабар берилади. |
|--|--|----------------------------|

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
Пленумининг  
“Фуқаролик ишларини суд муҳокамасига  
тайёрлаш тўғрисида”ги  
2018 йил 24 августдаги 26-сонли қарорига**

| Т.р. | Эски таҳрири  | Янги таклиф  | Асос  |
|------|---|--|---|
|      | З-банди:<br>ФПКнинг<br>204-моддасига<br>асосан судья<br>ишни суд<br>муҳокамасига<br>тайёрлаш ҳақида<br>тарафлар ва ишда<br>иштирок этувчи<br>бошқа шахслар<br>амалга ошириши<br>лозим бўлган<br>аниқ процессуал<br>ҳаракатлар ва бу<br>ҳаракатларни | З-банди кўйидаги янги таҳрирда баён этилсин:<br><b>ФПКнинг</b><br><b>204-моддасига асосан</b><br><b>судья ишни суд ёки</b><br><b>сайёр суд муҳокамасига</b><br><b>тайёрлаш ҳақида</b><br><b>тарафлар ва ишда</b><br><b>иштирок этувчи</b><br><b>бошқа шахслар амалга</b><br><b>oshiiriши лозим bўлган</b><br><b>аниқ процессуал</b><br><b>ҳаракат-лар ва бу</b><br><b>ҳаракатларни амалга</b><br><b>oshiiriш муддатини</b> | Судья сайёр суд мажлисига ишларни тайёрлашда ҳам суд ажримини қабул қилиши лозим ва ажрим билан амалга ошириш лозим бўлган ҳаракатлар аниқ кўрсатилиши белгиланади. |



|   |   |   |  |
|---|---|---|--|
|   | амалга ошириш муддатини кўрсатган ҳолда ажрим чиқариши шарт.<br>Шунингдек ажримда про-цесснинг ушбу босқичида судья томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳам кўрсатилади. | кўрсатган ҳолда ажрим чиқариши шарт.<br>Шунингдек ажримда про-цесснинг ушбу босқичида судья томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳам кўрсатилади.   |  |
| 2 | Янги таҳрирда   | <b>5<sup>1</sup>-банд янги киритилиши тавсия этилган:</b><br><b>Ишни сайёр суд муҳокамасига тайёрлашда албатта низони сайёр суд мажлисида кўрилиши тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятларига салъбий таъсир қилмаслигини эътиборга олиши лозим.</b> | Судья ҳар қандай низони сайёр суд мажлисига тайинлаш вақтида сайёр суд мажлиси низони ҳал этишга мжобий ёки салбий таъсир этишини аниқлаб олиши керак. |





**САЙЁР СУД МАЖЛИСИ:  
ТАХЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР**